ЛЕНИН КЎРСАТГАН ЙЎЛДАН

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 254 (18.432). • Шанба, 1982 йил 6 ноябрь • Баҳоси 3 тийин.



Владимир Ильич ЛЕНИН

КРЕМЛДА ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС

Улуғ Октябрь — XX асрнинг асосий воқеаси, инсоният тақдирида капитализмдан социализм томон жаҳоншумул тарихий бурилишнинг бошланишидир. Ер юзи меҳнаткашлари революциямизнинг 65 йиллигини тинчлик ва меҳнат байрами, бутун планета порлоқ келажаги байрами сифатида кутиб олмоқдалар.

КПСС XXVI съезди йўлига қатъий амал қилаётган совет халқи шонли санани коммунистик қурилишда янги-янги муваффақиятлар билан нишонламоқда. Шонли юбилей — СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига тайёргарлик Советлар мамлакати халқлари дўстлиги ва ҳамкорлигининг ёрқин намойишига айланиб кетди.

Совет Иттифоқининг тинчликни мустаҳкамлашга, қуролланиш пойгасини жиловлашга қаратилган янги тинчлик ташаббуслари бутун дунёда кенг қўллаб-қувватланди. КПСС ва Совет давлатининг ленинча тинчликсевар ташқи сиёсати империализмнинг агрессив кирдикорларига қарши ишончли қалқондир.

Ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, партия ветеранлари, фан ва маданият арбоблари, Совет Армияси ва Харбий Денгиз Флотининг жангчилари, Москва области меҳнаткашларининг вакиллари 5 ноябрь куни Москвада, Кремлнинг Съездлар саройида байрам кайфияти билан йиғилдилар. Бу ерда халқ депутатлари Москва Совети билан КПСС Москва шаҳар комитетининг Улуғ Октябрь социалистик революцияси 65 йиллиги байрамига бағишланган тантанали мажлиси бўлди.

Мажлис қатнашчилари **Л. И. Брежнев, Ю. В. Андропов, М. С. Горбачев, В. В. Гришин, А. А. Громико, Н. А. Тихонов, Д. Ф. Устинов, К. У. Черненко, П. Н. Демичев, В. И. Долгих, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, М. В. Зимянин, И. В. Капитонов, К. В. Русаков** ўртоқларни ўринларидан туриб, гулдурос қарсаклар билан кутиб олдилар.

Уругвай Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Р. Арисменди, Чили Компартиясининг Бош секретари Л. Корвалан, Араб Социалистик уйғониш партияси бош секретарининг ўринбосари А. Ал-Ахмар ҳам президиумга чиқадилар.

Залда чет мамлакатлардан келган меҳмонлар, чет эл дипломатлари бор эдилар.

Тантанали мажлисни Москва Совети ижроия комитетининг раиси В. Ф. Промислов очди.

Мажлис қатнашчилари КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари В. В. Гришинни самимий кутиб олдилар. В. В. Гришин «Улуғ Октябрь ишини давом эттириб» мавзуида доклад қилди.

Доклад эўр эътибор бериб тингланди ва давомли қарсаклар билан бир неча марта бўлиниб турди.

Тантанали мажлис тугади. Зал гумбазлари остида Совет Иттифоқининг Давлат Гимни янграйди.

Сўнгра байрам концерти бўлди. Зўр муваффақият билан ўтган концертда Коммунистик партия билан Совет давлатининг раҳбарлари ҳозир бўлдилар.

* * *

Улуғ Октябрнинг 65 йиллигига бағишланган тантанали мажлислар иттифоқдош республикаларнинг пойтахтларида, мамлакатнинг бошқа шаҳарларида ҳам бўлиб ўтди.

(ТАСС).

УЛУҒ ОКТЯБРЬ ИШИНИ ДАВОМ ЭТТИРИБ

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 65 йиллигига бағишланиб 1982 йил 5 ноябрда Кремлнинг Съездлар саройида ўтказилган тантанали мажлисда

ўртоқ В. В. ГРИШИН доклади

Ўртоқлар!

Мамлакатимизда Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалаба қозонганидан бери 65 йил ўтди, бу революция жаҳон тарихида энг катта воқеа бўлди. Меҳнаткашларнинг капиталистлар ва помешчиклар ҳокимиятига қарши кураши биринчи бор тўла ғалаба билан якунланди.

Ленин партияси бу ғалабанинг илҳомчиси ва ташкилотчиси бўлди. Партия ер учун курашган меҳнаткаш деҳқонларнинг кўп миллионли оммасини революцион пролетариат теварагида жипслаштириш, социализм учун курашни, Россия мазлум халқларининг миллий тенгликка ва тинчлик йўлидаги умумдемократик ҳаракатга муттасил интилишини бир бутун қилиб қўйишга муваффақ бўлди. Октябрь кўтарган социализм байроғи ўша пайтдан бери жаҳон узра бутун инсоният келажагининг рамзи бўлиб мағрур ҳилпираб турибди.

Тарихда халқлар тақдирида, ижтимоий тараққиётда катта роль ўйнаган кўпгина революциялар бўлган. «Октябрь революцияси, — деди Леонид Ильич Брежнев, — ўзининг характери жиҳатидан ҳам, тарихий оқибатлари жиҳатидан ҳам улар орасида алоҳида ўрин эгаллайди. Бу революция одамодами эксплуатация қилишини тугатди ва жамиятни меҳнаткашларнинг ўз манфаатлари йўлида қайта қуришга асос солди. У ишчилар синфини, барча меҳнат аҳлини золимларнинг минг йиллик ҳукмронлиги келтириб чиқарган қулфатлардан, азоб-уқубатлар ва хўрликлардан халос этиш даврини очди».

1917 йилнинг октябри жаҳон тараққиёти жараёнини тўбдан ўзгартириб юборди. Халқаро капиталнинг танҳо ҳукмронлиги замонлари абадий ўтмишда қолди. Бир қанча мамлакатларда революциялар ғалаба қилиши натижасида жаҳон социализми системаси вужудга келиб муваффақиятли ривожланмоқда. Халқларнинг миллий озодлик кураши шитоби таъсирида мустамлакачи империялар барбод бўлди. Озодликка чиққан ёш мамлакатлар жаҳон сиёсатида актив роль ўйнай бошладилар, уларнинг кўплари социализмга бориш йўлини, социалистик ривожланиш йўлини танлаб олдилар. Коммунистик ҳаракат ҳозирги замоннинг энг мўътабар сиёсий кучига айланди. Октябрь бошлаб берган революцион иш олға бормоқда, бу иш яшамоқда ва ғалаба қилмоқда.

Октябрь революциясининг 65 йиллигини совет халқи зўр маънавий-сиёсий жўшқинлик вазиятида, КПСС XXVI съезди тарихий режаларини бажариш учун курашда янгидан янги меҳнат зафарлари билан кутиб олмоқда. Бу йил — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг олтмиш йиллиги эканлиги билан ҳам унутилмас йилдир. Бу шонли юбилей — КПСС ленинча миллий сиёсати, социалистик Ватанимиздаги барча миллат ва элатларнинг қардошларча дўстлиги эришган буюк муваффақиятларнинг яққол далилидир. Миллий масалани одилона ҳал этишнинг жозибадор намунасини кўрсатган ССР Иттифоқи эндиликда бутун жаҳон аҳлининг кўз ўнгида биргалашиб коммунизм қураётган тенг ҳуқуқли республикаларнинг мустаҳкам оиласи сифатида намоён бўлмоқда.

Коммунистик партия, унинг Ленин ишининг содиқ давомчиси ўртоқ Леонид Ильич Брежнев бошчилигидаги Марказий Комитети теварагида маҳкам жипслашган совет халқи Октябрь йўлидан, коммунистик бунёдкорлик ва тинчлик йўлидан қатъият билан олға бормоқда!

I. Ривожланган социализм — Октябрь ғояларининг мужассами

Ўртоқлар! Революциямизнинг навбатдаги йиллигини ҳар сафар тантанали нишонлаганимизда биз унинг ғояларига қайта-қайта назар ташлаймиз, янги вазифаларни яхшироқ, самаралироқ ҳал этиш учун босиб ўтган бутун йўлни ва қилинган ишларни чуқур англаймиз. Бу — партиямизнинг Владимир Ильич Ленин асос солган қадимий анъанасидир.

65 йил мобайнида мамлакат гарчи оғир бўлса ҳам шонли йўлни — янги жамият кашшофлари йўлини босиб ўтди. Аёвсиз курашда меҳнаткашлар партия раҳбарлигида Улуғ Октябрь ғалабаларини ҳимоя қилдилар, бу ғалабаларни чет эл интервенцияси ва ички контрреволюциянинг қутуриб қилган хуружидан омон сақлаб қолдилар, эксплуататор синфларнинг қаршилигини бартараф этдилар.

Социалистик революциянинг энг асосий ва энг қийин вазифаси — бунёдкорлик вазифасини ҳал этишда тарихий ғалабаларга эришилди. Мамлакат жуда қисқа муддатларда, мураккаб халқаро вазиятда индустриялаштирилди. Ленининг кооперация плани рўёбга чиқарилди, дунёда биринчи марта коллективчилик принципларига асосланган йирик қишлоқ хўжалиги барпо этилди. Омманинг асрий қолоқлиги, саводсизлиги ва маънавий асоратидан илғор фан ва маданиятнинг олий марралари сари баҳодирона парвоз қилинди. Мана шу ҳамма вазифалар муваффақиятли ҳал этилганлиги мамлакатимизни қудратли социалистик давлатга айлантирди.

Фашистлар Германиясининг қароқчиларча қилган ҳужуми халқнинг бунёдкорлик меҳнатини тўхтатиб қўймаганида, бундан ҳам салмоқлироқ ютуқларга эришган бўлур эдик. Совет кишилари ўзлари барпо этган ижтимоий тузумни қўлга қурол олиб ҳимоя қилишга мажбур бўлдилар. Улар бу тузумни сақлаб қолдилар ҳам. Улар Улуғ Ватан урушида мислсиз жасорат кўрсатиб ўз Ватанини ва бутун инсониятни фашист ваҳшийлар асоратидан халос қилдилар.

Урушда оғир талафотлар берилди, жуда катта моддий зарар кўрилди. Аммо партиянинг иродаси, халқнинг меҳнатдаги қаҳрамонлиги урушдан кейин минглаб шаҳар ва қишлоқларни, фабрика ва заводларни қултепалар ва вайроналар ўрнида қайта тиклаб олди.

(Давоми иккинчи бетда).

ЛЕНИН ВАСИЯТЛАРИГА ВА ПАРТИЯГА СОДИҚМИЗ

Совет кишилари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 65 йиллигини коммунистик қурилишдаги муваффақиятлардан фахрланиш туйғуси билан кутиб олмоқдалар. Ватанимиз ижодий кучлари барқ урган бир пайтда, социалистик тузум афзалликларини, Октябрь ғалабаларининг улуғворлигини бутун планета кўз ўнгида намойиш этиб, шу кунга етиб келди. Революцион анъаналарнинг руҳи ва Советлар мамлакатининг порлоқ келажак сари шиддатли одими мана шу порлоқ байрамга ҳамоҳанг бўлди.

Тошкент меҳнаткашлари вакилларининг 5 ноябрь куни бўлиб ўтган тантанали йиғилиши Октябрнинг 65 йиллигига бағишланди. Ўзбекистон пойтахтининг донгдор кишилари, революция, гражданлар уруши ва Улуғ Ватан урушининг ветеранлари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, ишлаб чиқариш илғорлари, фан ва маданият арбоблари, Тошкент гарнизонининг жангчилари В. И. Ленин номидаги Халқлар дўстлиги саройининг байрамона безатилган залига йиғилдилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари Е. А. Айтмуротов, Л. И. Греков, Ю. П. Максимов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, И. Б. Усмонхўжаев, О. У. Салимов, А. А. Хўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Н. М. Маҳмудова, Л. Н. Мелкумов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Г. М. Орлов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Р. Ҳ. Абдуллаева, Қ. А. Аҳмедов, В. К. Михайлов, М. Т. Турсунов, А. Р. Хўжаев президиумдан жой олдилар. Улар билан бирга саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг новаторлари, революцион жангларнинг иштирокчилари, Совет Армиясининг генераллари ўтиришибди.

Йиғилишни Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров очди.

Тантанали йиғилиш қатнашчилари замонамизнинг атоқли партия ва давлат арбоби, содиқ ленинчи, халқлар тинчлиги ва бахт-саодати учун толмас курашчи, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Леонид Ильич Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросини гулдурос қарсаклар остида фахрий президиумга сайладилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 65 йиллиги тўғрисида доклад қилди. Октябрь ғалабаси, деди докладчи, йигирманчи асрнинг асосий воқеаси бўлиб, у янги даврни — инсониятнинг капитализмдан социализмга ўтиш даврини бошлаб берди. Ўзбекистон меҳнаткашлари қардош Совет республикаларининг ягона сафида, Октябрь байроғи остида, Ленин ғояларидан илҳомланиб, коммунизм чўққилари сари бормоқдалар. Республика меҳнаткашлари байрамни экономика ва маданиятнинг барча тармоқларида янги-янги муваффақиятлар билан кутиб олмоқдалар, қабул қилинган социалистик мажбуриятларни бажариш учун, Ватанга 6 миллион тонна пахта топшириш учун қизғин кураш олиб бормоқдалар, ўз меҳнатлари билан бутун дунёда тинчликнинг ишончли таянчи бўлган социалистик Ватан қудратини мустаҳкамлаётган Улар Коммунистик партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленумининг тарихий қарорларини, Озиқ-овқат программасини, ўртоқ Л. И. Брежневнинг Ўзбекистонга учинчи Ленин ордени топширилишига бағишланган тантаналарда берган кўрсатмаларини ва тавсияларини муваффақиятли равишда амалга оширишга, ССР Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олишга азму қарор бергандирлар.

Тантанали йиғилиш қатнашчилари учун катта байрам концерти қўйиб берилди.

(ЎзТАГ).

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Қорақалпоғистон АССР қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленуми қарорларини амалга ошира бориб, ғоят оғир сув тақчиллигини енгиб, мўл ҳосил етиштирдилар ва Ўзбекистон ССР давлатга дон ва мева-сабзавот маҳсулотлари сотиш планларини бажарганлиги муносабати билан КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг табрикномесидан илҳомланиб, давлатга пахта сотиш юзасидан социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари — 5 ноябрь куни бажардилар. Тайёрлов пунктларига 410 минг тоннадан кўпроқ Қорақалпоғистон «оқ олтин»и етказиб берилди. Ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 31,5 центнер ҳосил олинди. Тайёрланган пахтанинг 240 минг тоннаси машиналар ёрдамида терилди.

Автоном республиканинг ҳамма районлари пахтакорларнинг меҳнат ғалабасига муносиб ҳисса қўшдилар. Бутун етиштирилган ҳосилни тезроқ териб олиш ва Улуғ Октябрнинг 65 йиллиги шарафига олинган оширилган социалистик мажбуриятларни бажариш учун курашаётган Беруний, Тўрткўл, Элликқалъа, Хўжайли, Чимбой, Ленинобод, Нукус районларикинг меҳнаткашлари юксак уюшқоқлик ва сабот-матонат кўрсатмоқдалар. Кегайли, Қораўзак, Шуманай, Амударё, Қўнғирот районларининг хўжаликлари пахта тайёрлаш планини бажарай деб қолишди.

Кўпгина илғор хўжаликлар ҳар гектар ердан 45—50 центнердан ҳосил олишди. Хўжайли районидаги Ленин номли, «Коммунизм», Ҳамза номли, Тўрткўл районидаги «Ленин йўли», «Намуна», «Коммунизм», Беруний районидаги Навоий номли, «Октябрь 50 йиллиги», Маҳтумқули номли, Элликқалъа районидаги «Қирқизобод», «Дўстлик», Калинин номли, Амударё районидаги «Партия XXII съезди» колхозлари шундай хўжаликлар жумласидандир.

Беруний районидаги Маҳтумқули номли колхоздан Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Тўхта Ёқубова ва Матназар Машарипов, шунингдек Зарип Қаландаров, «Правда» колхозидан Роман Бекниёзов, Навоий номли колхоздан Али Файзуллаев, Амударё районидаги Крупская номли колхоздан Қозоқ Камолов, «Партия XXII съезди» колхозидан Йўлдош Шўлахов, Элликқалъа районидаги «Москва» совхозидан Жамила Бекжонова, «Қирқизобод» колхозидан Собур Қурбонов, Калинин номли колхоздан Юсуп Тошлиев, Хўжайли районидаги Ленин номли колхоздан Қилич Жалилов, Ҳамза номли колхоздан Соғи Дербисалиев, Кегайли районидаги «Қўнғирот» совхозидан Гулайсин Пахратдинова, Куйбишев номли совхоздан Узоқберган Пирлепесов, Ленинобод районидаги «Ленингрвд» совхозидан Жадигер Ражепов бошлиқ коллективлар ва кўпгина бошқа коллективлар бу йил ҳар гектар ердан 50—60 центнер ҳосил олиб, ажойиб муваффақиятларга эришдилар.

Тўрткўл районидан Ҳакимбой Йўлдошев, Марям Розимова, Омон Бобоев, Ўразқиличи Қуртқиличов, Беруний районидан Жумабой Мамутов, Танирберген Жонаҳмедов, Давлетбой Аметов, Сапарбой Йўлдошев, Амударё районидан Олпаназар Бекбергенов, Жумабой Етмишев, Хўжайли районидан Уролбой Матназаров, Кегайли районидан Аяп Алламжаров, Данибой Тажинов, Ҳалқназар Бекназаров, Чимбой районидан Муратбой Ерназаров, Нукус районидан Исоқ Айтуреев ва бошқа кўпгина механизаторлар пахта териш машиналарининг техникавий имкониятларидан самарали фойдаланиш учун ўтказилган социалистик мусобақада пешқадамлик қилиб, 250—300 тоннадан ва бундан ҳам кўпроқ пахта тердилар.

Шаҳар ва посёлкаларнинг меҳнаткашлари, студентлар ва ўқувчилар давлатга пахта сотиш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилишига салмоқли ҳисса қўшдилар. Улар юксак онглилик ва интизомлилик кўрсатиб, ҳар қандай об-ҳаво шароитида пахта теримида деҳқонлар билан ёнма-ён туриб меҳнат қилмоқдалар.

Автоном республика меҳнаткашлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Мурожаатига амалий ишлар билан жавоб бериб, шу кунларда етиштирилган бутун ҳосилни йиғиб-териб олишни тезроқ тугаллаш учун астойдил кураш олиб бормоқдалар. Пахтакорлар ўз имкониятларини чамалаб кўриб, қўшимча равишда яна 50 минг тонна пахта топширишга ва ялпи пахта ҳосилини 460 минг тоннага етказишга қарор қилдилар.

Автоном республика қишлоқ меҳнаткашлари қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантиришда бу йил катта муваффақиятларга эришдилар, Ватан омборларига 190 минг тонна дон етказиб берилди, давлатга мева-сабзавот маҳсулотлари сотиш планлари ва социалистик мажбуриятлари анча ошириб бажарилди. Тайёрлов пунктларига 100 минг тоннадан кўпроқ мева-сабзавот топширилди, картошка тайёрлаш топшириғи 140 процент, сабзавот тайёрлаш топшириғи 102 процент, полиз маҳсулотлари тайёрлаш топшириғи 113 процент, хўл мева тайёрлаш топшириғи 120 процент, узум тайёрлаш топшириғи 101 процент бажарилди.

Умумиттифоқ фондига мева-сабзавот маҳсулоти етказиб бериш плани ошириб адо этилди. Мамлакатнинг саноат марказларига 30 минг тоннадан зиёд полиз маҳсулоти ва икки минг тонна хўл мева жўнатилди.

Давлатга 1037 тонна ёки планга нисбатан 125 процент пилла сотилди.

Ун ой мобайнида гўшт тайёрлаш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 11 процент, сут тайёрлаш ҳажми 9 процент, тухум тайёрлаш ҳажми 26 процент кўпайди. Давлатга тухум, жун ва қорақўл тери топшириши йиллик планлари ошириб бажарилди. Чорва моллари маҳсулдорлиги анча ошди. Дағал хашак ва ширали озуқа ўтган йилдагидан кўп тайёрланди. Чорва қишловини яхши ўтказиш учун зарур шароитлар яратилди.

Автоном республика далалари ва фермаларида меҳнат ғайрати айни авжида, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш, партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленуми тарихий қарорларини амалга оширишда янгидан-янги муваффақиятларга эришиш, мамлакат Озиқ-овқат программасини бажариш ишига автоном республика қўшаётган ҳиссани кўпайтириш учун мусобақа кенгайиб бормоқда.

УЛУҒ ОКТЯБРЬ ИШИНИ ДАВОМ ЭТТИРИБ

(Боши биринчи бетда).

Бугун, мана шу тантанали айёмда биз Октябрь революциясининг музаффар байроғини баланд кўтариб ўтган революция қурашчилари — шонли Ленин гвардиясига, гражданлар уруши ва дастлабки беш йилликларнинг ветеранларига, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва қаҳрамонларига, уруш йилларининг ва урушдан кейинги қайта тикланиш даврининг толмас меҳнатчиларига мнелсиз ҳурмат ва ташаккур изҳор этамиз.

Ўтган ўн йилликлар мобайнида ҳаёт анча илгарилаб кетди. Мамлакат ижтимоий тараққиёт чўққиларига кўтарилди. Унинг иқтисодий потенциали ғоят ўсди. Эндиликда Совет Иттифоқи жаҳон саноат маҳсулотининг бешдан бир қисмини ишлаб чиқармоқда. Қишлоқ хўжалигининг моддий-техникавий базаси сифат жиҳатидан янгиланди. Унинг ялпи маҳсулоти анча кўпайди. Капитал қурилиш кенг кўлам касб этди. Ҳар бир беш йилликда минглаб янги саноат корхоналари, янги транспорт магистраллари ишга туширилмоқда.

Совет Иттифоқи фан-техника тараққиёти ва жаҳон маданиятининг олдинги сафларида бормоқда. Ядро энергетикаси, космик ва лазерь техникаси, электроника ва химия соҳасидаги, қудратли гидротурбиналар яратиш соҳасидаги, фан ва маданиятнинг бошқа кўпгина соҳаларидаги муваффақиятлар бунинг ёрқин кўрсаткичидир. Давлат халқ маорифи ва маданият ривожига тобора кўпроқ маблағ сарфламоқда.

Социализм совет кишиларига капиталистик тузум бера олмайдиган неъматларни берди. Бу неъматлар — эртанги кунга бўлган ишонч, пишиқ-пухта гарантиялаб қўйилган меҳнат қилиш ҳуқуқидир. Бу неъматлар —уйжой учун дунёда энг кам ҳақ тўланиши, бепул ўқитиш ва медицина хизматидир. Бу неъматлар —одамлар ўртасида коллективчилик ва ўртоқларча ўзаро ёрдам, омманинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда актив қатнашиши принципларига асосланган зўр социал қимматга эга бўлган янги муносабатлардир.

Ривожланган социализм барпо этилганлиги, умумхалқ социалистик давлати вужудга келтирилганлиги Октябрь Ватани босиб ўтган йўлнинг бош социал-сиёсий якунидир. Бу давлат ишчилар синфи, деҳқонлар ва зиёлиларнинг мустаҳкам иттифоқига таянади. Уларнинг муттасил ўзаро яқинлашуви асосан ва бошлича етук социализмнинг тарихий доирасида жамиятнинг синфсиз структураси қарор топишига олиб боради.

Совет жамияти ривожининг ҳозирги босқичи бундан буёнги социал-иқтисодий тараққиёт имкониятларини анча кенгайтиди. Айни вақтда ижтимоий эҳтиёжлар ҳам ўсди, кўпгина хўжалик, социал ва идеологик масалаларни турмуш янгича тарзда ўртага қўйди. Партия ҳам бу масалаларга батафсил, далил исботли жаволар берди. КПСС XXIV, XXV, XXVI съездларининг қарорларида етук социализм шароитида совет жамиятини ривожлантиришнинг илмий асосланган стратегияси белгиланди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев партиямиз сиёсатини ижодий ишлаб чиқишга ҳамда уни мамлакат ичкарисида ва халқаро майдонда амалга оширишга бебаҳо ҳисса қўшмоқда. У ўзининг ёрқин докладлари, нутқлари ва асарларида марксизм-ленинизм назариясини салмоқли умумлашмалар ва хулосалар билан бойитди. Совет кишилари мамлакат экономикасининг халқ фаровонлигини оширишнинг хилма-хил вазифалари сари тубдан бориб юборилганлигини, партиянинг шу вазифаларни амалга ошириш соҳасидаги жуда катта ташкилотчилик ишини ҳақли равишда Л. И. Брежнев номи билан белгиламоқдалар. Ленин васиятларига муттасил садоқати, давлатимизни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш тўғрисидаги, одамлар ҳақидаги доимий ғамхўрлиги, партия ва мамлакатда ишчанлик ҳамда ижодкорлик вазиятини вужудга келтирганлиги, халқаро кескинликни юмшатиш учун, тинчлик учун, уруш хавфига қарши фидокорона кураши туфайли ўртоқ Л. И. Брежнев мамлакатимизда, Ер юзидаги барча софдил кишилар орасида ялпи иззат-икром ва ғоят юксак обрў-эътибор қозонди.

КПСС XXVI съезди совет жамияти турмушидаги катта тарихий босқич бўлди. Меҳнат аҳли, унинг талаб ва эҳтиёжлари съезд қарорларининг диққат марказига қўйилди. Съезд ривожланган социализм жамияти олдида янги уфқлар очди, унинг қудратли иқтисодий, илмий-техника ва маънавий имкониятларини самарали равишда рўёбга чиқариш йўлларини кўрсатди, партия билан халқни ўн биринчи беш йилликкагина эмас, 1990 йилгача бўлган даврга ҳам мўлжалланган конкрет ва равшан фаолият программаси билан қуроллантирди. Ҳозир мамлакатнинг бутун ҳаёти шу съезднинг тобора кучли таъсирида ўтмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг съезддан кейин бўлиб ўтган Пленумларида унинг йўл-йўриқларига аниқлик киритилди, партиянинг биринчи навбатдаги вазифалари белгиланди. Бу вазифалар орасида мамлакат аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан имкони борича қисқа муддатларда пишиқ-пухта таъминлаш бош вазифадир. Бу вазифа, деди Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг май Пленумида, биринчи даражали иқтисодий вазифагина бўлиб қолмасдан, шу билан бирга энг зарур социал-сиёсий вазифа ҳамдир.

Пленум маъқуллаган СССРнинг Озиқ-овқат программаси — халқ бахт-саодати тўғрисидаги, шаҳар ва қишлоқдаги турмуш ҳамда меҳнат шароитларини янада яхшилаш ва ўзаро яқинлаштириш ҳақидаги чинакам ленинча ғамхўрликнинг ёрқин далилидир. Шу билан бирга бу мамлакатнинг бутун агросаноат комплексини ривожлантиришда сифат жиҳатидан янги босқичдир. Программада қишлоқ хўжалиги самарадорлигини оширишга оид кенг миқёсдаги тадбирлар, агросаноат комплексининг ҳамма бўгинларини уйғун равишда ривожлантириш, мавжуд қийинчиликлар ва номутаносибликларни тугатиш кўзда тутилган.

Агросаноат комплексини ривожлантиришга ўн биринчи беш йилликдаги жами капитал маблағ ҳажмининг учдан бир қисмига теңг келадиган жуда катта маблағ сарфланади. Колхоз ва совхозларнинг иқтисодий аҳволини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалигини ва у билан боғлиқ бўлган тармоқларни бошқаришни такомиллаштириш лозим.

Экономикани интенсив ривожланиш йўлига ўтказишни натижасида етказиш мамлакат бутун халқ хўжалигини ривожлантиришнинг энг муҳим масаласидир. 80-йиллардаги иқтисодий тараққиётимиз бир қанча омиллар таъсирида мураккаблашиши муносабати билан бу масала алоҳида актуаллик касб этади. Бу ўринда гап, КПСС XXVI съездида уқтириб ўтилганидек, меҳнат ресурслари ўсишининг қисқариши, Шарқ ва Шимол районлари ўзлаштирилиши муносабати билан чиқимларнинг кўпайиши ҳамда атроф муҳитни муҳофаза қилишга кўпроқ маблағ ажратилиши тўғрисида бормоқда. Экономиканинг ўсиб бораётган эҳтиёжларидан орқада қолаётган йўлларни, транспортни, алоқани ривожлантириш, шунингдек ҳали ҳам анчагина бўлган эски корхоналарни тубдан қайта қуриш кўпгина кучғайрат ва катта маблағ талаб қилади. Мана шундай шароитда экономикани интенсивлаш — белгиланган вазифаларни муваффақиятли ҳал этишнинг энг муҳим ва аслида бирдан-бир воситасидир.

Экономикани интенсив йўлга ўтказишда фан-техника тараққиёти суръатларини жадаллаштириш марказий ўрин олади. Ҳозир бу ишнинг аҳамиятини бирон-бир кишига тушунтириб ўтиришга эҳтиёж бўлмаса керак: биз саноатдаги меҳнат унумдорлигини ўстиришнинг учдан икки қисмига янги техникани жорий этиш ва меҳнатни илмий ташкил қилиш ҳисобига эришяпмиз. Шу сабабли экономиканинг ҳамма тармоқларини, барча бўғинларини фан ва техниканинг илғор марраларига етказиб олиш, илмий коллективларнинг юксак даражада самарали ишлашини таъминлаш, тадқиқотлар ва лойиҳаларни тайёрлашни жадаллаштиришга, уларнинг юксак сифатли бўлишига, ишлаб чиқаришга тез жорий этилишига эришиш муҳимдир. Биз шу йўлдан бориб, КПСС XXVI съезди кўрсатиб берганидек, экономикамизнинг илм-фан ва ишлаб чиқариш бирлашуви, ижодий фикр билан ижодий меҳнатнинг мустаҳкам иттифоқи рамзи бўлиб қолишига интилаверамиз.

Табиий ресурсларни қазиб олиш ва улардан фойдаланиш методларини такомиллаштириш, хом ашё, ёқилғи, энергияни тежаш ишлаб чиқаришни интенсивлашнинг, унинг самарадорлигини оширишнинг муҳим резервидир. Хўжаликнинг ҳозирги миқёслари шароитида тежаш кўп ҳолларда ишлаб чиқаришни ўстириш ва анча салмоқли даражада ўстириш билан теңг келади. Бир ўйлаб кўринг. Электр энергияни тежашнинг 1982 йил учун белгиланган миқдори ўтган йили электр энергия ҳосил қилишни ўстириш миқдоридан ошиб кетади. Айрим турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ташиш, асраш ва қайта ишлаш вақтидаги нобудгарчиликни тугатиш эса шу маҳсулотлар ҳажмини кўпайтиришнинг беш йилликка планлаштирилган самарасини бериши мумкин.

Иқтисод ва тежамкорлик — жуда муҳим хўжалик ишидир, шу билан бирга бу иш совет кишисининг маънавий бурчи ҳамдир, чунки галла, кўмир, металнинг ҳар пудини эҳтиёт қилиб асраш ва тежаш, Ленин таълим берганидек, чинакам социализмдир, социалистик меҳнат ахлоқи ҳудди мана шундан бошланади.

Ишлаб чиқаришни интенсивлаш йўлининг изчиллик билан амалга оширилиши капитал маблағ самарадорлигини анча оширишни, шунингдек ёқилғи-энергетика комплексини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришни талаб қилади. Нефть ва газ қазиб олишни кўпайтириш билан бирга ёқилғи — энергетика балансининг структурасини яхшилаш, энергияни тежовчи технологияни жорий этишни ҳам таъминлаш керак. Бу эса экономиканинг самарадорлигини анча ошириш имконини беради. Давлат ва партия органлари, барча хўжалик раҳбарлари мана шу масалаларнинг ҳаммасига доимо эўр эътибор беришлари керак.

Ўртоқлар! Съезддан кейин ўтган вақт ичида анчагина иш қилинди. Совет кишилари юксак меҳнат ғайрати ва сиёсий активлик, фидокорлик ва ташаббускорлик намойиш этиб, съезд кўрсатмаларини, ўн биринчи беш йиллик топшириқларини бажариш устида муваффақиятли ишламоқдалар. Ишлаб чиқариш ва маданий-маиший соҳаларнинг кўпгина янги объектлари ишга туширилди. Ҳозирги замоннинг улуғвор қурилишлари муваффақиятли равишда барпо этилмоқда. Ишлаб турган корхоналарни техника билан таъминлаш ва реконструкция қилиш миқёси кенгайди.

Дастлабки тахминларга кўра, саноат маҳсулоти ҳажми беш йилликнинг икки йили мобайнида 6,3 процент кўпаяди. Съезд қарорларига биноан истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг илдам суръатлари таъминланади.

Бу йиллар қишлоқ хўжалиги ходимлари учун қийин келди, аммо ишнинг пухта ташкил этилиши ва оммаларнинг меҳнатдаги ғайрат-шижоати мураккаб об-ҳаво шароитларига қарама-қарши қўйилди. Кўпгина колхоз ва совхозлар, бир қанча область, ўлка ва республикалар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашда яхши натижаларга эришдилар.

Экономикада осонгина муваффақиятга эришилавермаслиги маълум. Бунинг учун доимо ишчилар, деҳқонлар, инженер-техник ходимлар, ишлаб чиқариш раҳбарлари, партия ва совет кадрлари фидокорона куч-ғайрат сарфлайдилар. Партия Марказий Комитети уларнинг сидқидилдан қилган меҳнатини, ижодий ташаббусини, ўз гражданлик бурчини чуқур англашини юксак қадрлайди.

Партия XXVI съезди қарорларини турмушга татбиқ этиш учун, мамлакатимиз пойтахтини намунали коммунистик шаҳарга айлантириш учун Москва меҳнаткашлари актив қурашмоқдалар.

Москваликлар беш йилликни дадил бошладилар. 1981 йилнинг ва шу йил ўн ойининг ишлаб чиқариш топшириқлари муддатидан илгари бажарилди. Саноат маҳсулотини кўпайтиришнинг ҳаммасига меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришилди. Аттестацияга топширилган маҳсулот ҳажмида олий сифат категориясидаги маҳсулотнинг улуши бу йил 44 процентни ташкил этади. Қурилиш, шаҳар хўжалиги, фан, бошқа соҳаларда беш йиллиннинг икки йили топшириқлари муваффақиятли бажарилмоқда.

Эришилган муваффақиятлар — кўп жиҳатдан социалистик мусобақа кенг қулоч ёзганлигининг натижасидир. Ҳозир москваликлардан 4 миллион 800 минг киши мусобақада қатнашмоқда.

Партия ғояларидан илҳомлаган Москва меҳнаткашлари материал ва энергетика ресурслари тежалишини таъминлаш мақсадида фан ва техника ютуқларидан ғоят тўла-тўкис фойдаланиш йўлидаги курашнинг, ҳар бир иш жойида иқтисод ва тежамкорлик учун, оммавий истеъмол молларининг турларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш учун, кам чиқитли технологияни вужудга келтириш учун бошланган ҳаракатларинг ташаббускорлари бўлиб майдонга чиқдилар. Юз минглаб москваликлар Улуғ Октябрнинг 65 йиллигигача ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йили шахсий ва бригада топшириқларини бажариб бўлдилар. Ҳозир пойтахт меҳнаткашлари СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган коммунистик шанбаликка актив ҳозирлик кўрмоқдалар.

Ўртоқлар! Биз Октябрь революциясининг йиллигини нишонлар эканмиз, Ленин таълим берганидек, ҳал этилмаган проблемалар ва камчиликларни равшан кўришимиз, бутун диққат — эътиборни шунга қаратишимиз керак. Хўжалик фаолиятининг ҳамма натижалари ҳам ҳали бизни қаноатлантирмоқда олмайди. План топшириқларини уддалай олмаётган, шартномавий мажбуриятларни бузаётган корхоналар, бирлашмалар ва хатто тармоқлар ҳам бор. Бир қанча тармоқларда ишлаб чиқаришни ва меҳнат унумдорлигини ўстириш суръатлари етарли эмас, иш вақтининг зое ўтиши, материал ва энергетика ресурсларининг исроф бўлиши ҳали ҳам кўп. Табиий имкониятлардан ҳамиша ҳам тўла-тўкис фойдаланилаётгани йўқ. Транспортнинг иши мамлакат эҳтиёжларидан ҳали орқада қолмоқда. Капитал қурилишдаги камчиликлар суст қашлик билан тугатилмоқда.

Иқтисодий ва социал ривожланиш вазифаларининг муваффақиятли бажарилиши кўп жиҳатдан ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришни, бутун хўжалик механизмини янада такомиллаштиришга боғлиқ.

Энг зўр ўюшқоқлик ва ишчанлик — ҳозир шу куннинг бош шиоридир. Бунинг маъноси шуки, план топшириқлари ва шартномавий мажбуриятлар ҳеч сўзсиз бажарилиши, яхлит халқ хўжалик комплексининг ҳар бир бўғинида аниқ меҳнат маромми ва хўжалик алоқаларининг пухта системаси бўлиши керак. Бунинг маъноси шуки, жуда қаттиқ интизом ва масъулият ўрнатилиши, иш маҳорат билан режали ва тежамли олиб борилиши, ҳамиша ва ҳар ишда юксак пировард натижаларга эришишни кўзлаш лозим.

Биз ишлаб чиқариш раҳбарларининг хўжалик фаолиятини, амалий ва сиёсий фазилатларини, меҳнат коллективларининг ишини айни шу позицияда туриб баҳолашимиз керак. Тартиб ва ўюшқоқликни мустаҳкамлаш моддий чиқимлар талаб қилмаслигини, аммо катта самара беришини таъкидлаб ўтиш зарур.

Бир марказдан планлаштиришни жойларнинг ташаббуси билан моҳирона қўшиб олиб бориш ҳам катта резервдир. Партия шу негизни доимо ривожлантирмоқда. Партия ҳамма вазифаларни биринчи галда умумдавлат позицияларида туриб ҳал этишни талаб қилмоқда, маҳаллийчилик ва маҳкамачиликнинг ҳар қандай кўринишларига қарши курашмоқда. Шу билан бирга у, масалан, иқтисодий ва социал тараққиётнинг комплекс характерини таъминлаш, материал ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш, меҳнаткашларни оммавий равишда талаб қилинадиган моллар билан таъминлаш каби масалаларда республика ва маҳаллий органларнинг ҳуқуқларини ҳар томонлама кенгайтирмоқда. Ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналарининг мустақиллигини ривожлантиришга, уларнинг ҳуқуқлари ва масъулятини кенгайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Иқтисодий ва социал тараққиётнинг бир-бири билан чуқур боғлиқлиги совет жамияти ҳозирги ривожининг ўзига хос хусусиятидир. Экономикадаги ютуқлар 70-йилларда мамлакатнинг бутун тарихи мобайнидаги энг кенг социал программани амалга ошириш имконини берди. Шу программага бундан аввалги ўн йилдагига қараганда қариб икки баравар кўп маблағ ажратилди.

Социал тадбирлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Шу беш йилликнинг ўтган даври мобайнида халқ хўжалиги бир қанча тармоқлари, шу жумладан темир йўл транспорти, кўмир саноати, қурилиш ташкилотлари ва бошқа баъзи ташкилотлар ходимларининг иш ҳақи кўпайтирилди. Пенсияларнинг минимал миқдори оширилмоқда, болалари бўлган оилаларнинг моддий аҳволи яхшиланмоқда. КПСС билан Совет давлати бу йўлни келгусида ҳам давом эттирадилар.

Партия моддий неъматларни ҳар бир ходим ва коллективнинг меҳнат улушига мувофиқ равишда социалистик асосда тақсимлашни янада такомиллаштиришга катта аҳамият бермоқда. Бу принципнинг изчиллик билан амалга оширилиши виждонан қилинган ҳалол меҳнатни, новаторликни ва ишдаги зарбдорликни рағбатлантиради. Партия, совет, касаба союз, хўжалик ташкилотлари тақсимотнинг социалистик принципига ҳамиша ва ҳамма жойда риоя этилишига интилаверишлари лозим. Бу принципга расмият учун эмас, балки моҳият эътибори билан амал қилинсин.

Бизда шон-шараф ҳам, моддий неъматлар ҳам меҳнатга боғлиқ. Бинобарин, текинхўрлар ва қўзбўямачиларга, чайқовчилар ва порахўрларга—социал паразитизмнинг мана шу ҳамма кўринишларига қарши қатъият билан муросасиз кураш олиб бориш керак! Л. И. Брежнев Бокуда сўзлаган нутқида мана шунга яна бир бор эътиборимизни қаратди.

Меҳнат — инсон ҳаёт фаолиятининг асосий соҳасидир. Бу беш йилликда меҳнат унумдорлигини оширишга қолмай, шу билан бирга унинг мазмунини бойитиш учун ҳам кўп иш қилиниши керак. Шу боисдан ҳам паст малакали қўл меҳнатини ва оғир жисмоний меҳнатни тугатиш юзасидан партия ўртага қўйган вазифа —иқтисодий вазифагина бўлиб қолмай, айни вақтда жуда муҳим социал вазифа ҳамдир.

Социализм буржуа турмуш тарзига хос бўлган бойлик орттириш ва истеъмолчилик психологиясини рад этувчи социал, ахлоқий қимматларнинг янги системасини қарор топтиради. Социалистик жамиятдаги инсон — аввало, моддий ва маънавий бойликларнинг ижодкори, бунёдкоридир, ҳозирги дунёнинг ҳамма ишлари ва ташвишлари билан яшовчи инсондир.

Бизнинг идеалимиз мана шундай. Аммо бу нарса кўп жиҳатдан бизнинг реаллигимиз ҳамдир. Коммунизм ғояларига астойдил садоқатли, ички дунёси бутун, қалби ва фикр-ўйлари пок инсон, меҳнатни севадиган ва меҳнат қила оладиган инсон, ҳар томонлама билимли ва кенг сиёсий илмли ҳаракатчан инсон — партиямиз фаолиятининг энг муҳим якунидир. Совет кишилари ўзининг ижтимоий бурчини чуқур англаши бугунги социалистик мусобақа кенг қулоч ёзганида, меҳнатга коммунистик муносабат ҳаракатида, оммавий коммунистик шанбаликларда яққол намоён бўлмоқда.

Янги инсонни камол топтириш соҳасидаги мақсадларимиз тўла-тўкис амалга оширилгунча ҳали бирталай иш қилиниши лозимлиги равшан. Бу соҳада ғоявий-тарбиявий иш муҳим ўрин олади. Партия хўжалик ва социал вазифаларни ҳал этишда, омманинг сиёсий маданиятини ва онглилигини ривожлантиришда ғоявий-тарбиявий ишнинг ролини оширишга интилмоқда. Партия партиявий пропаганданинг ҳаққоний сўзи одамларга жонли фикр, большевикча жўшқинлик ва эътиқод бахш этишига, социалистик Ватанимиз бахт-саодати йўлида яхшироқ меҳнат қилиш иштиёқини уйғотадиган бўлишига интилмоқда.

Жаҳон майдонидаги идеология кураши ғоят кескинлашган шароитда ҳар бир совет кишисини юксак сергаклик руҳида, антикоммунизмга ва антисоветизмга қарши аниқ синфий позицияларда туриб муросасиз жанговар кураш олиб бориш маҳорати руҳида тарбиялаш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир.

Ўртоқлар! Октябрь революциясининг улуғлиги инсониятнинг оқил ва фозил кишиларини асрлар бўйи тўлқинлантириб келган кўпгина ғоялар ва шиорларнинг чин маъносини яққол очиб берганлигида намоён бўлди.

Буржуазия ҳамиша меҳнат аҳли учун азиз бўлган демократия, озодлик, тенглик сўзлари билан ўзининг халққа қарши сиёсатини ниқоблаб келган эди. Октябрь демократиянинг халқ ҳокимияти ва халқ учун ҳокимият деган чинакам аҳамиятини қайта тиклади. У озодлик ва тенглик шиорлари оммани андишасизларча лақиллатиш воситаси бўлиб хизмат қилиши каби аҳволга барҳам берди. «...Агар эркинлик меҳнатнинг капитал зулмидан озод қилинишига қаршилик қилар экан, —деган эди Ленин, — бу эркинлик эркинлик эмас, балки алдамчиликдир» (38-том, 403-бет).

Социализм ишлаб чиқариш воситаларининг ижтимоий мулклигини ўрнатиб, меҳнат аҳлини эксплуатациядан халос қилди, уни ўзи яратаётган бойликларнинг ҳақиқий хўжайини қилиб қўйди, ижтимоий турмушда коллективчилик принципларини қарор топтирди. К. Маркс билан Ф. Энгельснинг «Ҳар бир кишининг эркин камол топиши ҳамма кишилар эркин камол топишининг шартидир» деган машҳур сўзлари аслида жамиятимизнинг туб принципи бўлиб қолди.

Эндиликда бу принцип СССР Конституциясида мустаҳкамланди, унда умумхалқ давлатимизнинг ҳуқуқ демократизми, гражданларнинг ғоят кенг социал-иқтисодий, сиёсий ва шахсий ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари ўзининг мужассам ифодасини топди.

Совет халқи Коммунистик партия раҳбарлигида 65 йил мобайнида мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришда жуда катта муваффақиятларга эришди. Октябрь йиллигини нишонлар эканмиз, ўзларининг ватанимизни янада равнақ топтириш йўлидаги, коммунистик қурилишнинг янги муваффақиятлари йўлидаги тинимсиз кураши билан Октябрь революциясининг улуғ ишини муносиб давом эттираётган ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, зиёлиларнинг ҳозирги авлодини қутлаймиз ва шарафлаймиз.

2. Уруш хавфига қарши, дунёни социал янгилаш учун кураш авангардида

Ўртоқлар! Улуғ Октябрь халқаро майдонда империализмга, реакция, агрессия ва уруш қучларига қатъиян қаршн туришга қодир бўлган моддий кучни — биринчи ишчи-деҳқонлар давлатини вужудга келтирди. Ленин, большевиклар ўзларининг бутун фаолиятларида меҳнаткашларнинг онгидаги эксплуатациядан халос бўлиш иродаси билан тинчликка бўлган иродаси бир бутун бўлиб қўшилиб кетганлигидан иборат ниҳоят чуқур ҳақиқатга асосландилар. «Халқларга тинчлик!» шиори оммани Октябрь революцияси ғалабасига олиб келган енгилмас ҳаракатни юзага келтирган шиорларнинг энг асосийларидан бири бўлган эди.

«Урушларнинг тугаши, халқлар ўртасида тинчлик ўрнатилиши, талашлар ва зўравонликларнинг тўхтатилиши — худди шулар бизнинг идеалларимиздир», — деб ёзган эди В. И. Ленин. Мана шу идеал ҳозирда ҳам КПСС ва Совет давлати бутун халқаро фаолиятининг амал қилиб келинаётган принципи бўлиб қолмоқда. «Ҳозир партиямиз, халқимиз учун, қолаверса, планетадаги барча халқлар учун халқаро майдонда тинчликни сақлаб қолишдан ҳам муҳимроқ вазифа йўқ», — деб таъкидлади ўртоқ Л. И. Брежнев.

Уруш ва тинчлик проблемасига ленинча ёндашув партия кейнги съездларининг қарорларида конкрет ифодасини топди ва ривожлантирилди. Бундай ёндашув СССР Конституциясида қонун сифатида мустаҳкамлаб қўйилди. Ҳозир бизнинг партиямиз КПСС XXVI съезди 80-йилларга мўлжаллаб олга сурган Тинчлик программасини амалга ошириш учун сабот билан курашмоқда.

Чуқур давомийлик билан боғланган ана шу энг асосий ҳужжатлар совет ташқи сиёсатининг изчил тинчликсеварлигини, унинг тинч-тотув яшаш принципларини қарор топтиришга, кескинликнинг юмшатилишини чуқурлаштиришга, давлатларнинг тинч ҳамкорлигини ривожлантиришга, халқаро ҳуқуқ ва меъёрларига виждонан риоя этишга, ҳар бир мамлакатнинг суверенитетини ҳурмат қилиш ва бир-бирларининг ички ишларига аралашмасликка қаратилганлигини белгилаб беради. Бизнинг сиёсатимиз қуролланиш пойгасини жиловлаш, адолатли асосда хавфсизликни, ўзаро ишончни мустаҳкамлаш учун қурашга амалий ҳисса қўшмоқда.

АҚШнинг ҳукмрон доиралари 70-йилларда эришилган барча ижобий натижаларни йўққа чиқармоқчи, кескинлик юмшатилишига барҳам бериб, «совуқ уруш»ни яна бошламоқчи бўлиб турган ҳозирги пайтда сиёсатимизнинг инсонят тақдири ва ишдаги зарбдорликни рағбатлантиради. Партия, совет, касаба союз, хўжалик ташкилотлари тақсимотнинг социалистик принципига ҳамиша ва ҳамма жойда риоя этилишига интилаверишлари лозим. Бу принципга расмият учун эмас, балки моҳият эътибори билан амал қилинсин.

Бизда шон-шараф ҳам, моддий неъматлар ҳам меҳнатга боғлиқ. Бинобарин, текинхўрлар ва қўзбўямачиларга, чайқовчилар ва порахўрларга—социал паразитизмнинг мана шу ҳамма кўринишларига қарши қатъият билан муросасиз кураш олиб бориш керак.

Меҳнат — инсон ҳаёт фаолиятининг асосий соҳасидир. Бу беш йилликда меҳнат унумдорлигини оширишгина қолмай, шу билан бирга унинг мазмунини бойитиш учун ҳам кўп иш қилиниши керак. Шу боисдан ҳам паст малакали қўл меҳнатини ва оғир жисмоний меҳнатни тугатиш юзасидан партия ўртага қўйган вазифа —иқтисодий вазифагина бўлиб қолмай, айни вақтда жуда муҳим социал вазифа ҳамдир.

Социализм буржуа турмуш тарзига хос бўлган бойлик орттириш ва истеъмолчилик психологиясини рад этувчи социал, ахлоқий қимматларнинг янги системасини қарор топтиради. Социалистик жамиятдаги инсон — аввало, моддий ва маънавий бойликларнинг ижодкори, бунёдкоридир, ҳозирги дунёнинг ҳамма ишлари ва ташвишлари билан яшовчи инсондир.

Бизнинг идеалимиз мана шундай. Аммо бу нарса кўп жиҳатдан бизнинг реаллигимиз ҳамдир. Коммунизм ғояларига астойдил садоқатли, ички дунёси бутун, қалби ва фикр-ўйлари пок инсон, меҳнатни севадиган ва меҳнат қила оладиган инсон, ҳар томонлама билимли ва кенг сиёсий илмли ҳаракатчан инсон — партиямиз фаолиятининг энг муҳим якунидир. Совет кишилари ўзининг ижтимоий бурчини чуқур англаши бугунги социалистик мусобақа кенг қулоч ёзганида, меҳнатга коммунистик муносабат ҳаракатида, оммавий коммунистик шанбаликларда яққол намоён бўлмоқда.

Янги инсонни камол топтириш соҳасидаги мақсадларимиз тўла-тўкис амалга оширилгунча ҳали бирталай иш қилиниши лозимлиги равшан. Бу соҳада ғоявий-тарбиявий иш муҳим ўрин олади. Партия хўжалик ва социал вазифаларни ҳал этишда, омманинг сиёсий маданиятини ва онглилигини ривожлантиришда ғоявий-тарбиявий ишнинг ролини оширишга интилмоқда. Партия партиявий пропаганданинг ҳаққоний сўзи одамларга жонли фикр, большевикча жўшқинлик ва эътиқод бахш этишига, социалистик Ватанимиз бахт-саодати йўлида яхшироқ меҳнат қилиш иштиёқини уйғотадиган бўлишига интилмоқда.

Жаҳон майдонидаги идеология кураши ғоят кескинлашган шароитда ҳар бир совет кишисини юксак сергаклик руҳида, антикоммунизмга ва антисоветизмга қарши аниқ синфий позицияларда туриб муросасиз жанговар кураш олиб бориш маҳорати руҳида тарбиялаш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир.

Ўртоқлар! Октябрь революциясининг улуғлиги инсониятнинг оқил ва фозил кишиларини асрлар бўйи тўлқинлантириб келган кўпгина ғоялар ва шиорларнинг чин маъносини яққол очиб берганлигида намоён бўлди.

Буржуазия ҳамиша меҳнат аҳли учун азиз бўлган демократия, озодлик, тенглик сўзлари билан ўзининг халққа қарши сиёсатини ниқоблаб келган эди. Октябрь демократиянинг халқ ҳокимияти ва халқ учун ҳокимият деган чинакам аҳамиятини қайта тиклади. У озодлик ва тенглик шиорлари оммани андишасизларча лақиллатиш воситаси бўлиб хизмат қилиши каби аҳволга барҳам берди. «...Агар эркинлик меҳнатнинг капитал зулмидан озод қилинишига қаршилик қилар экан, —деган эди Ленин, — бу эркинлик эркинлик эмас, балки алдамчиликдир» (38-том, 403-бет).

Социализм ишлаб чиқариш воситаларининг ижтимоий мулклигини ўрнатиб, меҳнат аҳлини эксплуатациядан халос қилди, уни ўзи яратаётган бойликларнинг ҳақиқий хўжайини қилиб қўйди, ижтимоий турмушда коллективчилик принципларини қарор топтирди. К. Маркс билан Ф. Энгельснинг «Ҳар бир кишининг эркин камол топиши ҳамма кишилар эркин камол топишининг шартидир» деган машҳур сўзлари аслида жамиятимизнинг туб принципи бўлиб қолди.

Эндиликда бу принцип СССР Конституциясида мустаҳкамланди, унда умумхалқ давлатимизнинг ҳуқуқ демократизми, гражданларнинг ғоят кенг социал-иқтисодий, сиёсий ва шахсий ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари ўзининг мужассам ифодасини топди.

Совет халқи Коммунистик партия раҳбарлигида 65 йил мобайнида мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришда жуда катта муваффақиятларга эришди. Октябрь йиллигини нишонлар эканмиз, ўзларининг ватанимизни янада равнақ топтириш йўлидаги, коммунистик қурилишнинг янги муваффақиятлари йўлидаги тинимсиз кураши билан Октябрь революциясининг улуғ ишини муносиб давом эттираётган ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, зиёлиларнинг ҳозирги авлодини қутлаймиз ва шарафлаймиз.

Осиё тўғрисида гапирадиган бўлсак, бунда ҳам қардош мамлакатлар халқаро вазият яхшиланишига эришиши учун ҳаракат қилмоқдалар. Уларнинг сўнгги вақтлардаги маълум ташқи сиёсий ташаббуслари ана шунга қаратилгандир. Совет — Хитой муносабатларининг нормаллаштирилиши Осиёда, қолаверса бутун дунёда тинчлик ва барқарорлик негизларини мустаҳкамлашга қўшилган яхши ҳисса бўлур эди. Совет Иттифоқи ана шу муносабатларни соғломлаштиришга, ўз-ўзидан равшанки, бошқа мамлакатлар учун ҳеч қандай зарар етказмаган ҳолда муттасил ва астойдил ҳаракат қилиб келмоқда. Пекиндагилар ҳам нормаллаштириш тўғрисида гапирмоқдалар. Ўртоқ Л. И. Брежнев таъкидлаганидек, ҳозирча XXРнинг ташқи сиёсий йўлида принципиал ўзгаришлар кўринмаяпти. Аммо биз пайдо бўлаётган янги жиҳатларни эътиборсиз қолдирмаслигимиз керак.

Жаҳон социализми тарихнинг боришига ўзининг ташқи сиёсати билангина таъсир ўтказиб қолмай, шу билан бирга хўжалик, социал, маданий вазифаларни амалий ҳал этиш билан ҳам таъсир ўтказмоқда. Октябрь практикасида илк бор синалган социализм ривожланишининг муштарак қонуниятларидан ташқари, ижодий фойдаланиш — ана шундай вазифаларни ҳал этиш самарадорлигининг энг муҳим шартидир. Социализм ривожи муштарак қонуниятларининг халқаро аҳамияти эндиликда социализм мамлакатларининг жонли тажрибаси билан тасдиқланди.

Дўстларимизнинг эътироф этишича, ўртоқ Л. И. Брежнев социализм мамлакатлари ҳамдўстлигини мустаҳкамлашда ғоят катта хизмат кўрсатди. Варшава Шартномаси Сиёсий маслаҳат комитетининг кенгашларида, Қримдаги учрашувларда, бошқа халқаро мулоқотлар чоғида Леонид Ильич социализм дунёсини мустаҳкамлаш тўғрисида, қардош мамлакатларнинг тажрибасини эътибор билан ўрганиб, ундан фойдаланиш ҳақида фаол ғамхўрлик қилиб келмоқда.

Интернационалистик принципларга содиқ бўлган КПСС ва Совет халқи янги жамият барпо этиш йўлини танлаб олган чет эллик синфдош қардошларимизни — ғарбдаги Кубадан то шарқдаги Вьетнамгача қўллаб-қувватлаш учун ўзларига боғлиқ бўлган ҳамма ишни қилиб келдилар ва бундан буён ҳам шундай қилаверадилар. Ўз навбатида Совет Иттифоқи ҳам дўстларимизнинг бирдамлигини юксак қадрлайди.

Социализм мамлакатлари марксчи-ленинчи партияларининг ҳар томонлама баҳамжиҳат ҳаракатини чуқурла

УЛУҒ ОКТЯБРЬ ИШИНИ ДАВОМ ЭТТИРИБ

(Бошн 1 ва 2 бетларда)

Вашингтон Польшанинг ички ишларига қўпол суръатда аралашишга уринаётганлиги, у контрреволюцион кучларнинг ҳаракатларини рағбатлантираётганлиги ана шу ғалабаларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги масаланинг муҳимлигидан далолат беради. Ўз юртида номақбул бўлган касаба союзларидан шафқатсиз ўч олаётган ўша арбоблар поляклари касаба союз эркинликларига риёкорлик билан ўргатмоқдалар, амалда эса мамлакатда вазият нормаллашаётганлигини мушкуллаштиришга, барбод этишга ҳарчанд уринмоқдалар. Лекин социалистик Польша душманлари ўз мақсадларига эриша олмайдилар. Поляк халқининг чин дўстлари ва иттифоқчилари бор. Поляк коммунистлари, Польшада социализмнинг барча тарафдорлари, контрреволюцияни ағдариб ташлаб халқ ҳокимиятини ва унинг ғалабаларини ҳимоя қилиб қолишларига, мамлакатнинг социалистик қурилиш йўлидан барқарор, илдам суратда ривожланишини таъминлашларига поляк халқининг чин дўстлари ва иттифоқчилари қатъий ишонадилар.

Улуғ Октябрдан кейин ўтган 65 йил социалистик мамлакатларга қилинадиган ҳар қандай тазйиқлар истиқболсиз эканлигидан далолат бериб турибди. Социализмни ағдариб ташлашга ҳеч ким муваффақ бўла олмайди!

Ўртоқлар! Ишчи ва деҳқонларнинг Октябрь туфайли бунёдга келган давлати аввал бошданоқ миллий озодлик ҳаракатининг содиқ иттифоқчиси бўлиб майдонга чиқди. Партиямизнинг ленинча миллий сиёсати, Россиянинг илгари қолоқ чекка ўлкалари қисқа муддат ичида гуллаб-яшнаётган социалистик республикаларга айлантирилганлиги, мамлакатдаги миллатлар ва элатлар ўртасида тенг ҳуқуқли муносабатлар ўрнатилганлиги халқларнинг миллий мустақиллик учун, ижтимоий-сиёсий тузумни ўзи белгилаб, суверен ҳуқуқи учун олиб бораётган курашда илҳомбахш намуна бўлиб қолди.

Мамлакатимиз ўнлаб озодликка эришган ёш давлатлар билан дўстона алоқаларни ривожлантирмоқда. Совет Иттифоқи уларнинг мустақиллигини мустаҳкамлашга, халқаро сиёсатда уларнинг ролини оширишга, иқтисодий қарамликдан халос бўлишига кўмаклашмоқда, уларнинг ички ишларига аралашишга қарши чиқмоқда.

Совет Иттифоқининг Ҳиндистон билан муносабатлари яхши қўшничилик, тинч ҳамкорликнинг намунасидир. Бу чинакам тенг ҳуқуқли муносабатлар муқим ривожланмоқда, бу муносабатлар мустаҳкам асосга таянган ҳолда иккала мамлакат фойдасига хизмат қилмоқда, халқаро хавфсизликни таъминлашга салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Мамлакатимизнинг социалистик йўлни танлаб олган давлатлар билан алоқалари чуқур ва кўп қирралидир. Уларнинг барчаси ўзларининг куч-ғайратини янги ҳаётни тинч бунёд этишга қаратишни истайдилар. Аммо улар анчагина куч ва маблағларини империалистик ҳарбий авантюраларни даф этиш, ички реакция ва сепаратчиларнинг ташқаридан қўллаб-қувватланиб турган қўпорувчилик фаолиятини бартараф этиш учун сарфлашга мажбур бўлмоқдалар.

Афғонистонга қарши гарчи эълон қилинмаган бўлса ҳам, ҳақиқий уруш олиб борилмоқда. АҚШ ҳомийлик қилаётган Жанубий Африка Республикасининг қуролли кучлари Ангола территориясига катта кучлар билан бостириб кирмоқда. Эфиопия ва Мозамбикка қарши иғвогарликлар тўхтатилмаяпти. Марказий Америкада Никарагуага қарши қуролли интервенция хавфи кучайди.

Исроилнинг Ливандаги интервенцияси империализмнинг янги мустамлакачилик сиёсати нақадар мудҳиш оқибатларга олиб келишини кўрсатиб берди. Исроил ўз ҳукмронлигини сақлаб қолиш учун ҳарбий эўравонлик қилди. Исроилнинг Фаластин араб халқига қарши ўтказган ёвуз сиёсати, Ғарбий Байрутда минг-минглаб тинч аҳолини — чол-кампирлар, хотин-қизлар, болаларни даҳшатли равишда қириб ташлаганлиги гитлерчилар қилган ёвузликлардан асло қолишмайди. Бунинг учун Исроил билан бир қаторда унинг шериги ва ҳомийси — Америка империализми ҳам жавобгардир. Агрессор шундай йўл билан ўз мақсадига эришаман деб хомтама бўлмай қўяқолсин. Ливандаги қонли террор региондаги душманлик ва нафрат манбаларини фақат чуқурлаштиради, холос.

Совет Иттифоқи араб халқлари томонида собитқадамлик билан турибди. Исроил Ливандан чиқиб кетиши, араблардан босиб олган ҳамма азалий ерларини қайтариб бериши керак. Яқин Шарқда адолатли ва мустаҳкам тинчлик ўрнатишда ўртоқ Л. И. Брежнев 1982 йил 15 сентябрда илгари сурган олтита принцип муҳим аҳамиятга эгадир. Бу — агрессия йўли билан ўзгалар ерини босиб олишга йўл қўймаслик принципига қатъий риоя қилиш; Фаластин араб халқининг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини амалга ошириш; ўзининг мустақил давлатини тузиш; Қуддуснинг шарқий қисмини арабларга қайтариб бериш; барча Яқин Шарқ давлатларининг мустақил ва хавф-хатарсиз яшашини таъминлаш; араб давлатлари билан Исроил ўртасидаги уруш ҳолатини тўхтатиб, улар ўртасида тинчлик ўрнатиш; бу масалаларни ҳал этишни халқаро миқёсда гарантиялаб беришдан иборат. Бунга барча томонларнинг, шу жумладан Фаластин халқининг бирдан-бир қонуний вакили бўлмиш Фаластин Озодлик Ташкилотининг ҳам коллектив қуч-ғайрат сарфлаши билангина эришиш мумкин. Яқин Шарқда мустаҳкам тинчлик ўрнатишга олиб келадиган қарорларни ишлаб чиқадиган энг яхши анжуман эса тегишли халқаро конференция бўлиши мумкин эди.

Империалистик зулм ва ҳукмронлик сиёсатига қарши миллий озодлик учун олиб борилаётган адолатли курашни қўллаб-қувватлаш — Совет Иттифоқининг ўзгармас йўлидир. Социал-сиёсий ривожланиш йўлини танлаб олиш учун ўз ҳуқуқини мардонавор ҳимоя қилаётган халқлар бундан бўён ҳам бизнинг бирдамлигимиз ва қўллаб-қувватлашимизга қатъий амин бўлаверишлари мумкин.

Совет Иттифоқи тинчлик сиёсатини ўтказар экан, АҚШ ва НАТОнинг империалистик эўравонлигига, агрессив хатти-ҳаракатларига сира тоқат қилиб келмади ва тоқат қилмайди ҳам. Совет Иттифоқи уларга кескин зарба бериб келди ва зарба бераверади.

Империалистик доираларнинг хавфли милитаристик сиёсати кенг халқ оммасининг тобора норозилигига сабаб бўлмоқда. Европада ва ҳатто Қўшма Штатларнинг ўзида ҳам урушга қарши ҳаракат, ядровий қуролларга қарши ҳаракат урушдан кейинги даврда мисли кўрилмаган тарзда авж олиб кетди. Турли қарашлар ва сиёсий йўлларга мансуб юз минглаб, миллионлаб кишилар ягона ирода — тинчликни сақлаб қолиш ниятида тинчлик шиорлари остида намойишлар ва митингларга тўпланмоқдалар.

Милитаристик сиёсат, қуролланиш пойгасини авж олдириб юбориш буржуа жамиятининг барча зиддиятларини чуқурлаштирмоқда. Капиталистик ишлаб чиқариш тушкунлиги давом этмоқда, пул тўхтовсиз қадрсизланмоқда. Бир қутбда ҳарбий саноат монополияларининг фойдаси мисли кўрилмаган даражада кўпайиб, иккинчи қутбда турмуш даражаси пасайиб кетмоқда. Ишсизлар армияси миқдори 30 миллион кишидан ошиб кетди, социал эҳтиёжлар учун маблағлар, камбағаллар ва кексаларга бериладиган ёрдам кескин камайиб кетди, касаба союзларининг ҳуқуқлари қирқиб ташланмоқда. Урушдан кейинги пайтда капитализм умумий кризиси кескинлашиб кетганлигининг энг муҳим кўринишлари ана шулардан иборат. Буларнинг ҳаммаси капитал мамлакатларида синфий жангларнинг кучайишига олиб келмоқда.

Ҳозирги пайтда меҳнаткашлар турмуш шароитини яхшилаш учун олиб бораётган кураши билан милитаризм ва уруш кучларига қарши курашнинг ўзаро алоқадорлиги айниқса равшан. Ишчилар синфи ва барча меҳнаткашларнинг ҳаётий ҳуқуқлари ва манфаатларининг изчил ҳимоячилари бўлмиш коммунистлар бу ўзаро алоқадорликни ҳамиша кўриб келдилар ва буни оммага тушунтирмоқдалар. Эндиликда омма ҳаракатининг ўзида тинчлик ва социал талаблар ёзилган шиорлар ёнма-ён бормоқда.

Халқаро вазият мураккаблашган шароитда коммунистик ва ишчи партиялар қуролланиш пойгасига ва уруш хавфига қарши курашни активлаштирмоқдалар, тинчлик учун, меҳнаткашларнинг ҳаётий манфаатлари учун курашда ўзларининг авангардлик ролини оширмоқдалар.

Октябрь Ватани халқаро майдонда ўз фаолиятини олижаноб мақсадларга — тинчликни, социал тараққиёт, халқларнинг мустақиллигини ишончли тарзда таъминлаш мақсадларига бағишламоқда. Қардош социализм мамлакатлари, коммунистлар, кенг демократик ва антиимпериалистик кучлар шу мақсадлар йўлида бир билан бирга кураш олиб бормоқдалар. Уларнинг ҳамжиҳатлиги ва биргалашиб ҳаракат қилиши — тинчлик ва тараққиёт иши тантана қилишининг гаровидир!

* * *

Ўртоқлар! Бундан 65 йил муқаддам Ленин партияси мамлакат тақдири учун, унинг истиқболи учун халқ олдидаги буюк масъулиятни дадиллик билан ўз зиммасига олган эди. Октябрь революцияси ишчилар синфининг, барча меҳнаткашларнинг адолатли иши ғалабаси учун курашда янги типдаги партия, революцион тафаккур ва революцион ҳаракат партияси, пролетар интернационализми партияси бўлган Коммунистик партиянинг раҳбарлик роли ғоят катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб берди. Партия коммунизмга интилаётган давримизнинг барча энг яхши, барча энг мусаффо ва доно қучларини ўзида мужассамлаштиргандир.

Ривожланган социализм даврида партиянинг жамият ҳаётидаги роли муттасил ўсиб боришини ҳаёт ишонарли тарзда тасдиқлади. Бу аввало ҳозирги босқичда Советлар мамлакати ҳал этаётган вазифалар янада мураккаброқ, янада қамровли, янада улуғвор бўлганлиги билан белгиланади. Бундай шароитда коммунистик қурилишга партия раҳбарлигини янада яхшилаш эҳтиёжи аҳамият касб этади.

КПССнинг марксча-ленинча таълимотга чексиз содиқлиги, янги назарий ва амалий проблемаларни ишлаб чиқишда ижодий дадиллик партия раҳбарлиги савиясини оширишнинг энг муҳим омилидир. Марксизм-ленинизм ғоялари — Коммунистик партия ва совет халқининг ишончли қуролидир. Мамлакатимизда социализм ва коммунизм қурилишида эришилган барча муваффақиятлар мана шу буюк ғоялар негизида қўлга киритилди. Марксизм-ленинизм коммунизмнинг бирдан-бир тўғри фани бўлиб келди ва шундай бўлиб қолаверади.

Ленин партиянинг етакчилик ролини ҳар бир коммунистнинг ғайрат-шижоати, саботи, қатъияти билан бевосита боғлаган эди. Коммунистларнинг ғоявий эътиқоди, уларкинг уюшқоқлиги ва активлиги партиянинг ички кучлари аҳволига, унинг сафлари мустаҳкамланишига бевосита ўз таъсирини ўтказмоқда.

Коммунистик қурилиш вазифалари ўсиб бораётган бир пайтда партия барча коммунистларга бўлган талабчанликни ҳар томонлама кучайтирмоқда, кадрларни тоширилган иш учун юксак талабчанлик руҳида, камчиликларга большевистик муросасизлик руҳида тарбиялямоқда. Партия бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлик қобилиятини оширишга ғоят катта эътибор бериб, уларни янада ташаббус кўрсатиб ишлашга, ҳар қандай ишда партия йўлини қатъият билан амалга оширишга йўналтирмоқда.

КПСС партия ҳаётининг Уставда белгиланган нормаларига, демократик централизм принципларига қатъий риоя этиш асосида ўз фаолиятининг форма ва мазмунини муттасил бойитмоқда, танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантириш учун зарур шароитлар яратиб бермоқда. КПСС жамиятга раҳбарликни амалга ошира бориб, ўзининг меҳнаткашлар билан алоқасини чуқурлаштира борпб, халқ депутатлари Советлари, касаба союзлари, комсомол, бошқа жамоат ташкилотларининг фаолиятини яхшилаш ҳақида ғамхўрлик қилмоқда. КПСС бу ташкилотлар ҳам коммунистик қурилиш вазифаларини ҳал этишда тобора кўпроқ ҳисса қўшишларига эришмоқда.

Партия етакчилик ролининг янада оширилиши барча партия ташкилотларида қуйидан юқорига ишда ленинча услуби — юксак талабчанлик, одамларга ҳурмат-эътибор ва ишонч билан уйғунлашган илмий, ижодий услуби қарор топтириш билан чамбарчас боғлангандир. Партия Марказий Комитетининг, унинг бош секретари Леонид Ильич Брежневнинг бутун кўп қирали фаолиятига худди мана шундай услуб хосдир.

Партиянинг кўп миллионли меҳнаткашлар оммаси билан алоқаси нечоғли маҳкам бўлса, унинг раҳбарлик роли, ишининг самарадорлиги шу қадар юқори бўлишини бутун тажриба тасдиқлаб турибди. Партиянинг кучи — халқ билан бирликдадир! Халқнинг кучи — партия билан бирликда, унинг раҳбарлигидадир! КПСС XXVI съезди минбаридан янграган бу сермазмун ибора партиянинг ишчилар синфи, меҳнаткашларнинг ижодий имкониятларига чексиз ишончини ифодалайди. Партия ўз сиёсатида совет жамиятининг барча синфлари ва социал группалари, миллатлари ва элатлари, барча авлодларининг манфаатларини изчил ифодалайди. Бу эса унга халқнинг чексиз ишончини таъминлаб беради. Партия бу ишончни ҳамма нарсадан кўра юксак қадрлайди.

Ўртоқлар! Совет кишилари истиқболга дадил назар ташламоқдалар. Советлар мамлакати ривожининг 65 йиллик якуни — марксча-ленинча таълимот ҳақлиги ва ҳаётийлиги, танлаган йўлимиз тўғрилигининг рад этиб бўлмайдиган далилидир. Олдинда коммунистик қурилишнинг олижаноб ва инсонпарвар мақсадларини рўёбга чиқариш учун фидокорона ижодий меҳнат йўли турибди. Совет халқи Октябрь ишини давом эттира бориб, ўзининг авангарди — Ленин партияси раҳбарлигида ўз сафларини янада маҳкамроқ жипслаштирмоқда, социалистик Ватан куч-қудратини мустаҳкамламоқда, Октябрь революциясини амалга оширган буюк мақсад сари, коммунизмнинг тўла тантанаси сари комил-ишонч билан олга бормоқда.

Яшасин Ленин партияси — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

Коммунизм бунёдкори — совет халқига шон-шараф-лар!

Яшасин бутун дунёда тинчлик!

Улуғ Октябрнинг революцион иши яшайверсин ва ғалаба қилаверсин!

(В. В. Гришин доклади давомли қарсаклар билан бир неча бор бўлиниб турди).

РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ МАРКАЗИ

5 ноябргача республикада 5.250.000 тонна, шу жумладан қарийб 420.000 тонна ингичка толали пахта тайёрланди. Кунлик ўсиш салкам 45 минг тоннани ташкил этди.

Олти миллион тонналик маррани тезроқ забт этиш учун ғайрат қилайлик! Байрам кунларини ҳамма жойда зарбдор меҳнат билан нишонлайлик!

БУХОРО ОБЛАСТИ ПАХТАКОРЛАРИНИНГ МЕҲНАТ ЗАФАРИ

Бухоро области меҳнаткашлари 5 ноябрь куни давлатга пахта топшириш йиллик планини муваффақиятли уддалаб, Улуғ Октябрь байрамига муносиб меҳнат совғаси тайёрладилар. Бухоролик заршунослар она-Ватанга 480 минг тоннадан кўпроқ, шу жумладан 23 минг тоннадан зиёд ингичка толали пахта топширдилар. Уртача ҳосилдорлик гектарига 36 центнерни ташкил этди. Гектаридан 50—60 ва ундан ҳам кўп ҳосил кўтарган бригадалар ва хўжаликларнинг сони ўтган йилдагига нисбатан икки баравар кўпайди.

Эришилган муваффақиятга механизаторлар салмоқли ҳисса қўшдилар. Дала гвардиячилари пахта териш машиналари бункеридан қарийб 130 минг тонна «оқ олтин» тўкдилар.

Бу йилги мавсум қийин ва машаққатли бўлишига қарамай Ғиждувон, Олот, Қоракўл районларининг меҳнаткашлари яхши натижаларга эришдилар ва план-топшириқларини ошириб бажардилар. Ҳозир областда олтмиш хўжалик ва минг бригада оширилган социалистик мажбурият ҳисобига пахта топширмоқда.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Узбекистон меҳнаткашларига йўллаган табригидан илҳомланган ҳамда республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатига жавобан область пахтакорлари яна 60 минг тонна «оқ олтин» тайёрлаш мажбуриятини қабул қилдилар.

СУРХОНДАРЁ

Шеробод райони заршунослари пахта тайёрлаш йиллик плакини бажардилар. Тайёрлов пунктларига 54.700 тонна, шу жумладан 32.000 тонна ингичка толали пахта топширилди. 24 минг тоннадан зиёд «оқ олтин» машиналар ёрдамида саранжом-саришта қилинди. Н. Муродов номли, «Октябрь 60 йиллиги» совхозлари мавсум пешқадамлари бўлдилар. «Шеробод» совхозидан Ўскин Аҳмедов, «Октябрь 60 йиллиги» совхозидан Норбиби Музаффарова, «Гулистон» совхозидан Шукур Бозоров бошлик бригадаларда гектаридан 50—70 центнердан хирмон кўтарилди. Район меҳнаткашлари ялпи қосилни 70 минг тоннага, шу жумладан ингичка толали пахта хирмонини 45 минг тоннага етказиш мажбуриятини қабул қилдилар.

Ленин йўли райони пахтакорлари пландан ташқари қарийб 11 минг тонна дурдона топширдилар. Ҳосил йиғим-терими ҳамон давом этмоқда.

ҚАШҚАДАРЁ

Улуғ Октябрь байрами арафасида Қамаши райони меҳнаткашлари катта меҳнат ғалабасига эришдилар. Эл хирмонига 39.800 тонна, шу жумладан 1.000 тонна ингичка толали пахта топшириб, йиллик планни муваффақиятли бажардилар. Тайёрланган дурдонанинг 21.800 тоннаси машиналар ҳиссасига тўғри келди. Ҳосилдорлик гектар бошига 35 центнерни ташкил этди. Меҳнат ғалабасига Калинин номли, «СССР 50 йиллиги», Ленин номли, «Марксизм» колхозлари ва «Чимқўрғон» совхози пахтакорлари салмоқли ҳисса қўшдилар. Район деҳқонлари ялпи хирмонни 45 минг тоннага етказиш мажбуриятини олдилар.

ХОРАЗМ

Шовот райони механизаторлари машина терими планини уддаладилар. «Зангори кема»лар бункеридан 30.330 тоннадан зиёд «оқ олтин» тўкилди. Эришилган муваффақиятга «Ленинград», «Узбекистон», «Партия XIX съезди», Чкалов номли колхозларнинг дала гвардиячилари салмоқли ҳисса қўшдилар. Район далаларида 186 пахта териш агрегати ишлатилди. Ҳар бир агрегатнинг мавсумдаги ўртача иш унуми 168 тоннани ташкил этди. Киров номли колхоздан СССР Олий Совети депутати Саҳамжон Исмоилова, Чкалов номли колхоздан Узбекистон ССР Олий Совети депутати Бикажон Худойберганова сингари пешқадам механизаторлар 250—330 тоннадан пахта тердилар. Район механизаторлари агрегатлар бункеридан яна 5 минг тонна «оқ олтин» тўкишга аҳд қилишди.

ТОШКЕНТ

Оққўрғон районидаги «Коммунизм» колхози заршунослари социалистик мажбуриятни бажарганликлари тўғрисида рапорт бердилар. Тайёрлов пунктларига 3.700 тонна, шу жумладан 1.870 тонна уруғлик пахта топширилди. Ҳосилнинг 87 процанти машиналар ёрдамида териб олинди, 85 процанти эса биринчи сортга қабул қилинди.

Машҳур механизатор Турсуной Охунова раҳбарлик қилаётган бригада коллективи Улуғ Октябрь байрамига катта меҳнат ғалабаси билан келди. Коллектив қўшимча социалистик мажбуриятни ҳам бажариб, ҳосилдорликни гектарига 60,1 центнерга етказди. Т. Охунованинг ўзи машинада 460 тонна «оқ олтин» терди.

АНДИЖОН

Улуғ Октябрнинг 65 йиллиги арафасида областда яна икки хўжалик пахта тайёрлаш йиллик планини бажарди. Ленин районидаги «Узбекистон» колхози деҳқонлари гектаридан 37,7 центнердан хирмон кўтариб, давлатга 3.580 тонна «оқ олтин» топширдилар. Марҳамат районидаги «Пахтакор» колхозида эса гектаридан 34,2 центнердан ҳосил олиниб, эл хирмонига 4.100 тонна дурдона тўкилди.

НАВОИЙ

Навоий районидаги «Қизил Октябрь» колхози социалистик мажбурият ҳисобига пахта топширишга киришди. Давлат бу хўжаликдан 3.140 тонна «оқ олтин» қабул қилиб олди. Ҳосилнинг қарийб ҳаммаси биринчи сортга топширилди. Хўжалик деҳқонлари ялпи ҳосилни 4 минг тоннага етказиш мажбуриятини қабул қилдилар.

САМАРҚАНД

Большевик районидаги К. Маркс номли колхоз давлатга пахта топшириш йиллик планини уддалади. Колхоз аъзолари тайёрлов пунктига 8.600 тонна «оқ олтин» топширдилар. Коллектив СССР 60 йиллиги шарафига яна 4000 тонна пахта тайёрлаш мажбуриятини қабул қилди.

Каттақўрғон районидаги «Янгиобод» совхозида ҳам йиллик план бажарилди. Бу ерда 1.716 тонна пахта тайёрланди.

ҚҚАССР

Республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатидан илҳомланган Нукус давлат университетининг студентлари Шуманай ва Қўнғирот райони далаларида зарбдорларча меҳнат қилмоқдалар. Студентлар ҳозиргача эл хирмонига 10.750 тонна «оқ олтин» тўкдилар. Ҳар бир киши ўрта ҳисобда 4,1 тоннадан пахта терди. Мусобақада физика факультети пешқадамлик қилаётир.

ЖИЗЗАХ

Октябрь районидаги Ф. Хўжаев номли совхоз пахтакорлари йиллик маррага етиб келдилар. Қабул пунктларига 5.200 тонна «оқ олтин» топширилди. Ана шу ҳосилнинг 3.900 тоннаси машиналар ёрдамида териб олинди.

«Бугун биз ҳаммамиз пахтакормиз!» — Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтининг студентлари «Узбекистон», «Советская Россия», «Тошкент» совхозларида ана шу шиор остида меҳнат қилмоқдалар. Бўлажак педагоглар ўтган куни хирмонга 148 тонна пахта топширишди.

Тошкент тўқимачилик институтининг 2 мингдан зиёд студенти Мирзачўл районидаги Абай номли ва «Тошкент» совхози деҳқонларига кўмаклашишмоқда. Улар ҳозиргача қарийб 1.700 тонна дурдона тердилар.

НАМАНГАН

4 ноябрь куни Чортоқ райони меҳнаткашлари теримда энг юқори натижага эришдилар. Об-ҳаво ноқулай бўлишига қарамай қабул пунктларига йиллик планнинг 1,21 процанти миқдорида пахта жўнатилди. «Узбекистон», «Партия XXII съезди» совхозлари ва «Октябрь» колхозида кунлик ўсиш 1,6—2,31 процентни ташкил этди.

СИРДАРЁ

Қўл теримида Ворошилов райони меҳнаткашлари энг юқори кўрсаткичга эришмоқдалар. 4 ноябрь куни далаларда 3300 теримчи ишлади. Бу олдинги кундагига нисбатан 300 кишига кўпдир. Ҳар бир теримчининг кунлик иш унуми 31 килограммни ташкил этди. Қуйбишев номли ва Свердлов номли колхозларда эса бу кўрсаткич 35—40 килограммга тенг бўлди.

ПАХТА-ВАТАНГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 5 ноябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён

ТОШКЕНТ	0,15	108,11	—	103,13
ХОРАЗМ	0,52	103,34	0,71	93,16
ҚҚАССР	0,84	101,69	0,53	86,55
Бухоро	0,78	99,48	0,58	42,32
Навоий	0,81	93,22	1,09	69,31
Сурхондарё	0,50	89,96	0,35	58,02
Сирдарё	0,61	84,84	0,36	83,63
Жиззах	0,88	83,20	1,11	74,94
Қашқадарё	0,85	83,19	1,37	70,85
Самарқанд	1,15	82,57	1,69	75,21
Андижон	0,81	81,13	0,92	63,40
Наманган	0,74	80,64	0,63	55,49
Фарғона	1,08	80,16	1,59	66,73
Республика бўйича:	0,76	89,11	0,83	72,42
Шу жумладан ингичка толали пахта:				
НАВОИЙ	0,74	135,43	1,28	109,09
НАМАНГАН	2,14	131,54	—	38,93
СУРХОНДАРЁ	0,68	109,91	0,33	84,28
БУХОРО	1,85	107,97	3,28	43,48
Қашқадарё	1,16	96,55	1,16	63,34
Республика бўйича:	0,91	106,95	0,76	75,81

ҲУРМАТ ТАХТАСИ

Пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарганликлари учун қуйидаги область ва районлар республика «Ҳурмат тахтаси»га ёзилади:

Бухоро области — область партия комитетининг секретари ўртоқ Каримов, область ижроия комитетининг раиси ўртоқ Нарзуллаев, область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Эргашев, «Заготхлопкопром» область бирлашмасининг бошлиғи ўртоқ Маматов, «Сельхозтехника» область бирлашмасининг раиси ўртоқ Раҳматов, область сув хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Бекниёзов, область қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи комитетининг раиси ўртоқ Ҳасанов, область комсомол комитетининг секретари ўртоқ Баҳоев;

Шеробод райони — район партия комитетининг секретари ўртоқ Эргашев, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Абдулҳакимов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Сатторов, район «Сельхозтехника» бошқарувчиси ўртоқ Раҳматов, район сув хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Қодиров, район қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи комитетининг раиси ўртоқ Жабборов, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Маматқулов.

Қамаши райони — район партия комитетининг секретари ўртоқ Оллоёров, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Абраев, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Ҳақбердиев, район «Сельхозтехника» бошқарувчиси ўртоқ Шоймардонов, район сув хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Ҳайитов, район қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба союз комитетининг раиси ўртоқ Туропов, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Норбўтаев.

НАШРИЁТГА БАЙРОҚ ТОПШИРИЛДИ

Мамлакат партия органлари полиграфия корхоналарининг социалистик мусобақасида эришган муваффақиятлари учун, учинчи кварталдаги иш натижаларига кўра Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти КПСС Марказий Комитети Ишлар мудирлиги ва маданият ходимлари касаба союзи Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан яна мукофотланди.

Бу мукофот 5 ноябрь куни, Улуғ Октябрнинг 65 йиллиги арафасида нашриёт коллективига тантанали вазиятда топширилди. (ЎзТАГ).

СССР 60 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ФАХРИМИЗ

Районимиз меҳнаткашлари КПСС XXVI съезди, партия Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленуми қарорларини амалга ошира бориб, социал ва иқтисодий тараққиётнинг йирик планларини муваффақиятли бажармоқдалар. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 65 йиллиги ва СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақа ишчилар, чўлқувар деҳқонларнинг ғайрат-ташаббусини ғоятда ошириб юборди. Чўлқуварларимиз бу шонли саналарни фаровон ҳаётимиз, бунёдкорлик ишларимиз учун буюк ифтихор туйғулари билан кутиб олмоқдалар.

Коммунистик қурилишнинг барча участкаларида олға сурилаётган вазифаларнинг улуғворлиги бизга куч-ғайрат бағишламоқда. Навқирон Мубарак райони ишчилари, деҳқонлари янги-янги ташаббуслар билан чиқмоқдалар. КПСС XXVI съезди белгилаб берган режаларни муваффақиятли амалга ошириш учун социалистик мусобақа тобора қизғин авж олдирилмоқда. Мана шу оммавий сафарбарлик, ялпи меҳнат ва сиёсий кўтаринкиликнинг асосий омили шойли партиямизнинг раҳнамолигида деб билмоқдамиз. Районимиз меҳнаткашлари совет тузуми — куч-қудратнинг асоси — СССР халқларининг бузилмас қардошларча дўстлигидан чексиз куч-қудрат олмоқдалар. Бу дўстлик, мана шу қудратли қардошлик чўлни ўзлаштиришимизда, янги саноат корхоналарини бунёд этишимизда муваффақиятларимизнинг асосий омили бўлипти.

Маълумки, партия Қарши чўлини комплекс ўзлаштиришнинг жуда катта программасини белгилаб берди. Райком, бошланғич партия ташкилотлари турли миллат фарзандларини ягона меҳнат коллективларига жипслаштириб, уларни мана шу улкан вазифаларни изчил амалга оширишга сафарбар этмоқдалар. Халқ хўжалигини ривожлантириш, турмуш маданиятини оширишда юксак кўрсаткичларга эришиш таъминланмоқда. Партия ва халқ ишига чексиз садоқат, сўз ва иш бирлиги, ўзининг гражданлик бурчини чуқур англаш, қалб амри билан чўлни гулистонга айлантириш учун келган турли миллат фарзандларининг яқдиллиги барча вазифаларни муваффақиятли бажаришга имкон бермоқда.

Район партия комитети, бошланғич партия ташкилотлари КПСС Марказий Комитетининг «СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги тўғрисида»ги қарори асосида ғоявий, меҳнат ва ахлоқий тарбиянинг бирлигини таъминлашга қаратилган тадбирларни оғишмай амалга оширмоқдалар. Бунинг истиқболи учун халқ олдидаги буюк масъулиятни дадиллик билан ўз зиммасига олган эди. Октябрь революцияси ишчилар синфининг, барча меҳнаткашларнинг адолатли иши ғалабаси учун курашда янги типдаги партия, революцион тафаккур ва революцион ҳаракат партияси, пролетар интернационализми партияси бўлган Коммунистик партиянинг раҳбарлик роли ғоят катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб берди. Партия коммунизмга интилаётган давримизнинг барча энг яхши, барча энг мусаффо ва доно қучларини ўзида мужассамлаштиргандир.

Ривожланган социализм даврида партиянинг жамият ҳаётидаги роли муттасил ўсиб боришини ҳаёт ишонарли тарзда тасдиқлади. Бу аввало ҳозирги босқичда Советлар мамлакати ҳал этаётган вазифалар янада мураккаброқ, янада қамровли, янада улуғвор бўлганлиги билан белгиланади. Бундай шароитда коммунистик қурилишга партия раҳбарлигини янада яхшилаш эҳтиёжи аҳамият касб этади.

КПССнинг марксча-ленинча таълимотга чексиз содиқлиги, янги назарий ва амалий проблемаларни ишлаб чиқишда ижодий дадиллик партия раҳбарлиги савиясини оширишнинг энг муҳим омилидир. Марксизм-ленинизм ғоялари — Коммунистик партия ва совет халқининг ишончли қуролидир. Мамлакатимизда социализм ва коммунизм қурилишида эришилган барча муваффақиятлар мана шу буюк ғоялар негизида қўлга киритилди. Марксизм-ленинизм коммунизмнинг бирдан-бир тўғри фани бўлиб келди ва шундай бўлиб қолаверади.

Ленин партиянинг етакчилик ролини ҳар бир коммунистнинг ғайрат-шижоати, саботи, қатъияти билан бевосита боғлаган эди. Коммунистларнинг ғоявий эътиқоди, уларкинг уюшқоқлиги ва активлиги партиянинг ички кучлари аҳволига, унинг сафлари мустаҳкамланишига бевосита ўз таъсирини ўтказмоқда.

Коммунистик қурилиш вазифалари ўсиб бораётган бир пайтда партия барча коммунистларга бўлган талабчанликни ҳар томонлама кучайтирмоқда, кадрларни тоширилган иш учун юксак талабчанлик руҳида, камчиликларга большевистик муросасизлик руҳида тарбиялямоқда. Партия бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлик қобилиятини оширишга ғоят катта эътибор бериб, уларни янада ташаббус кўрсатиб ишлашга, ҳар қандай ишда партия йўлини қатъият билан амалга оширишга йўналтирмоқда.

КПСС партия ҳаётининг Уставда белгиланган нормаларига, демократик централизм принципларига қатъий риоя этиш асосида ўз фаолиятининг форма ва мазмунини муттасил бойитмоқда, танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантириш учун зарур шароитлар яратиб бермоқда. КПСС жамиятга раҳбарликни амалга ошира бориб, ўзининг меҳнаткашлар билан алоқасини чуқурлаштира борпб, халқ депутатлари Советлари, касаба союзлари, комсомол, бошқа жамоат ташкилотларининг фаолиятини яхшилаш ҳақида ғамхўрлик қилмоқда. КПСС бу ташкилотлар ҳам коммунистик қурилиш вазифаларини ҳал этишда тобора кўпроқ ҳисса қўшишларига эришмоқда.

Партия етакчилик ролининг янада оширилиши барча партия ташкилотларида қуйидан юқорига ишда ленинча услуби — юксак талабчанлик, одамларга ҳурмат-эътибор ва ишонч билан уйғунлашган илмий, ижодий услуби қарор топтириш билан чамбарчас боғлангандир. Партия Марказий Комитетининг, унинг бош секретари Леонид Ильич Брежневнинг бутун кўп қирали фаолиятига худди мана

АЛП ОДИМЛАР

ОКТЯБРЬ! Олтмиш беш йил! Қутлуғ байрам!... Бу сўзлар замирида касб-корлари ҳар хил, аммо мақсадлари бир хил бўлган барча совет кишилари сингари биз пахтакор деҳқонларнинг ҳам дилларини чексиз қувончларга тўлдирган, келажакда янада ёрқин истиқболлар сари ёрқин йўл очаётган олам-олам маъно бор.

Шонли Октябрь! Бу, тарих саҳифаларига олтин ҳарфлар билан ёзилган табаррук ном. Бундан олтмиш беш йил муқаддам доҳиймиз В. И. Ленин бошчилигида, партия раҳбарлигида мамлакатимизда дунёда биринчи ишчи-деҳқонлар давлати — Совет ҳокимияти ўрнатилди. Завод-фабрикалар ишчиларга, ер камбағал деҳқонларга берилди. Ишчи-деҳқон бирлиги — «Ўроқ ва Болға» ҳамкорлиги бунёдга келтирилди. Шунинг учун ҳам Октябрь номи ишчилар сингари биз, деҳқонларга ҳам азиз ва табаррукдир. Доҳиймиз В. И. Ленин ёққан чироқнинг нурафшон нурлари шаҳарларимиз каби, қишлоқларимизни ҳам чароғон этиб турибди, бундан кейин ҳам чароғон этаверади.

Олтмиш беш йил! Бу, тарихан жуда қисқа муддат. Лекин шу қисқа муддатда Коммунистик партиямиз раҳбарлигида эришилган ютуқларимиз асрлар мажмуасидан ҳам улканроқ ва салобатлироқдир. Буни пахтачилигимиз, чорвачилигимиз, қурилиш ва ободончилик ишларимиз, фан-техника тараққиёти мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Биргина мисол: республикамиз мамлакатимиздаги барча эл-элатлар, қон-қардош халқлар ёрдамида йилига 6 миллион тоннадан «оқ олтин» тайёрлайдиган бўлди.

Қутлуғ байрам! Халқимизда тўйга тўёна билан боришдек анъанавий одат бор. Совхозимиз меҳнат аҳли Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 65 йиллик байрами — тўйига муносиб совға тайёрладилар. Давлат тайёрлов пунктларига 10 минг 870 тонна «оқ олтин» етказиб бериб, йиллик планни шараф билан бажардилар. Оиламиз аъзолари ҳам юбилей йилида зафар қучишди. Мен, қизим Мастурахон, ўғлим Расулжон билан ҳамкорликда машинада 800 тонна пахта тердик. Юбилей йили учун зиммамизга олган мажбуриятимизни бажардик.

Қутлуғ байрам! Октябрь байрами, аниқроғи 7 ноябрь жамики байрамлар ичида энг қутлуғидир. Негаким, юқорида айтиб ўтганимдек, бундан олтмиш беш йил муқаддам худди шу кунда жабр-зулмдан, камситиш ва ўқитишдан қутулиб, ҳуррликка, бахтиёрликка чиқанмиз. Шунинг учун ҳам бу байрамни ғоятда хурсандчилик, шоду хуррамлик билан нишонлаймиз. Биз, пахтакорларда кейинги йилларда яна бир яхши анъана пайдо бўлди ва камол топяпти. Байрамни унумдор далаларда, кўсаклар очилиб, теримчилар, механик-ҳайдовчиларга қулиб боққан пайкалларда, иккинчи уймиз ҳисобланган дала шийпонларида ўтказамиз. Меҳнат билан нишонланган байрам, айниқса, қувончли бўлади. Кечқурунлари бадиий ҳаваскорлик тўгаракларининг қатнашчилари концертлар қўйиб берадилар. Байрам — меҳнат билан кўркам, деганлари шу бўлса керак.

Улуғ Октябрнинг шонли 65 йиллиги жуда изли-қутли келди. Гап шундаки, қатор табиий қийинчиликлар юз беришига қарамай Қодир Жабборов, Субхон Султонов, Сайфулла Қўлдошев, Ҳаёт Тожиевлар бошлиқ бригадаларда ҳар гектар ердан 50 центнердан юқори сортли «оқ олтин» териб олинди. Кўрдингизми, халқимизнинг меҳнати билан қийинчиликлар роҳатга айланди. Ҳисоб-китобларга қараганда бизнинг механизаторлардан ташкил топган оила аъзолари юқори ҳосил етиштирганликлари, кўп пахта терганликлари эвазига камида 10 минг сўм даромад қиламиз. Чорва молларимиз, томорқамиздан олинган маблағ бу ҳисобга кирмайди. Ҳа, даврамиз, замонамизда меҳнат — меҳнатнинг таги роҳат деган ақида тўла рўёбга чиқди.

Совхозимизни комплекс механизациялашган хўжалик, айниқса пахта теримини машиналаштиришда илғор тажриба мактаби деб аташади. Бу кеча ёки бугун пайдо бўлган гап эмас. Балки йиллар давомида изланишлар туфайли юзага келган меҳнат самарасидир. Шуни айтишни хоҳлардимки, қадоқ қўлли ишчилар бизга чопиқ ва пахта териш машиналари, тележкалар ва юк автомобилларини узлуксиз етказиб бераётганликлари туфайли пахтачиликни комплекс механизациялашга муваффақ бўляпмиз. Ҳамкоримиз ижодкор ишчилар синфига раҳматлар айтамиз, уларни Октябрь байрами билан чин юракдан қутлаймиз.

Яна бир айтадиган гапимиз шуки, олимларимиз пахтанинг серҳосил, эртапишар, толаси узун, машина теримибоп навларини яратиб беряптилар. Конструкторларимиз ажойиб терим машиналари кашф этяптилар, мавжудларини такомиллаштиряптилар. Бир сўз билан айтганда, пахтакорлар билан олим-конструкторлар, айниқса уруғшунослар ҳамкорлиги тобора мустаҳкамланяпти, кенг қанот ёзяпти. Қутлуғ байрам муносабати билан табриклаб, уларга янги зафарлар тилаймиз.

Байрам кунларида тўкинсочин дастурхон атрофида ўтирилганда айтадиган гапларимиз ҳам бор. Олим — уруғшуносларимиз пахтанинг вилтга чидамли навларини кўпроқ яратсалар, хирмонимиз янада баракали бўлур эди. Дефолиация пайтида кўп қийинчиликларга дуч келамиз. Барг тезроқ тўкилсин деб устма-уст дефолиантлар сепамиз. Афсуски, барг биз, механизаторлар кутган пайтда тўкилмайди. Оқибатда машина терими кечикади. Илтимосимиз шуки, кимёгар олимларимиз кам сарфланадиган, лекин таъсир кучи зўр янги химикатлар яратиб берсинлар. Бу билан машина терими роса 10—15 кун олдинроқ бошлашга ёрдамлашган бўладилар.

Терим техникасининг бутун комплексидан моҳирона узлуксиз фойдаланиш йўли билангина пахта терими суръатларини кучайтириш, теримдаги меҳнат унумдорлигини ошириш, машина терими мажбуриятларини ҳамма бригадалар, хўжаликлар, районлар бажаришги мумкин. Ўзбекистон партия ва ҳукуматининг Мурожаатидаги бу илҳомбахш сўзлар ҳар доим бўлганидек, байрам кунларида ҳам пахтакорларни янги зафарларга чорламоқда. Юқорида айтганимдек, байрамни пахта далаларида нишонлаймиз. Байрам кунлари бир ғайратга ўн ғайрат қўшиб ишлаймиз. Республикамиз бўйича 6 миллион тонналик «оқ олтин» хирмони бунёдга келтирилгунча бирор киши, бирорта терим машинасининг пайкаллардан чиқиб кетишига йўл қўймаймиз.

Октябрь байрамингиз қутлуғ бўлсин, пахтакор ўртоқлар!

Раҳим НАРЗУЛЛАЕВ,
Ромитан районидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхозининг механизатори.



Абу Райҳон Беруний номли Тошкент политехника институтининг Навоий филиали олимлари шаҳардаги химия корхоналарида технологик жараёнларни автоматлаштириш юзасидан катта илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар. Илмий ечимларни амалиётга жорий этиш юзасидан ҳам талайгина тадбирлар амалга оширилмоқда. Суратда: техника фанлари доктори, профессор А. Убайдуллаев билан техника фанлари кандидати, доцент О. Отауллаев электрон-ҳисоблаш машиналари залида иш натижаларини муҳокама қилмоқдалар.

Ф. Казанцев фотоси. (ЎзТАГ).

ТЎЁНАМИЗ

Улуғ айём, тантана чоғи,
Дил сўзлайди мардлар ёдидан,
Ифтихори — қўлда чаноғи:
Туҳфа айлар олтин водийдан.
Карвон борур улуғ байрамга,
Фарзандлардан табаррук эҳсон,
Қўшиқ битдим чўнг синов дамга,
Бутун элим пахтакор бу он.
Дўстим, сиз ҳам далага юринг,
Ҳар чаноқда бор буюк ҳиммат,
Қариялар мардлигин кўринг,
Кўрсатмоқда улар жасорат.
Ёшлик нақши дурдоналарда,
Енг шимариб урмоқда жавлон.
Ҳатто ором йўқ оналарда,
Бешик эрур гўдакка шийпон.
Деразани чертади ёмғир,
Чаноқларга инар селова,
Кутар қўлни бугун она ер,
Бу сўзга йўқ ортиқ илова.
Кўнгил амри—ғайрат қаноти,
Сўнгги чаноқ измида бу кун,
Текис бўлмас деҳқон ҳаёти,
Бўронларга учраши мумкин.
Баъзан қуруқ келар об-ҳаво,
Ҳозиргидек гоҳи намиққан,
Тайёр турган деҳқон доимо,
Қиш-қорда ҳам ҳосилин йиққан.
Табиатнинг қилиғи кўпдир,
Шунинг учун кураш бор ерда,
Зафар доим пешвоз келадир,
Ғайрат бўлса мард, баҳодирда,
Беш миллион тоннани элим
Туҳфа этди она-Ватанга.
Мардлик кутар сўнгги миллион,
Диёр бўйлаб чорлайди жангга.
Бугун байрам колонналарин
Байроқлари яшнар, ёлқиндан,
Уларга нақш битилган сўзлар
Тўёнамиз — оппоқ олтиндан.

НАЗАРМАТ.

ОҲАНГАРОНЛИКЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

СССР Озиқ-овқат программасининг муваффақиятли бажарилишига ҳисса қўшиш учун курашаётган Оҳангарон районн сабзавоткорлари ғалаба рапортига имзо чекдилар.

Қабул пунктларига 46300 тонна ўрнига 47000 тонна сабзавот маҳсулотлари етказиб бериб, бу соҳадаги планни шараф билан бажардилар.

Бу муваффақиятга Будённий номли, Куйбишев номли, «Оҳангарон» совхозларининг сабзавоткорлари муносиб ҳисса қўшдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг республикамиз барча меҳнаткашларига йўллаган мактубидан руҳланган район ноз-неъмат бунёдкорлари 60 минг тонналик марра учун курашмоқдалар. Далаларда сабзавот маҳсулотлари ва кечки экинларни йиғиштириб олиш уюшқоқлик билан давом этяпти. Сабзавоткорлар айни пайтда келгуси йил мўл ҳосилига замин яратаётирлар. Такрорий экинлар экиш ҳам тезкорлик билан давом эттирилянти.

О. ХУШНАЗАРОВ,
Оҳангарон райони.

Республикамизнинг азамат деҳқонлари бу йилги қийин об-ҳаво шароитига қарамай далаларда жасорат намуналарини кўрсатиб меҳнат қилдилар. Натижада давлатга дон, сабзавот, картошка, хўл мева, узум ва полиз маҳсулотлари сотиш планлари ошириб бажарилди. Айниқса, маккажўхорикорлар яхши ишладилар. Уларнинг куч-ғайратлари туфайли республикада «нахрабо дон» етиштириш икки миллион тоннага етди.

Улкан маккажўхори хирмонига Пешку районидаги маккажўхоричиликка ихтисослаштирилган «СССР 60 йиллиги» совхозининг Раҳима Эргашева бошлиқ бригада миришкорлари катта ҳисса қўшдилар.

Суратда: Раҳима ЭРГАШЕВА.

(ЎзТАГ фотоси).

КУЗГИ ДОН ЭКИШ ҚАНДАЙ БОРМОҚДА?

ЯШИЛ ПАЙКАЛЛАР

Яккабоғ районидаги йилқичилик заводи ғаллакорлари КПСС Марказий Комитетининг май (1982 йил) Пленуми қарорларини турмушга изчиллик билан жорий эта бориб, коммунистик мўл-кўлчиликка муносиб ҳисса қўшаётирлар. Завод ғаллакорлари об-ҳаво қийинчиликларини мардонавор енгиб, юбилей йилида 3400 тонна сара дон етиштирдилар. Шунинг 1250 тоннаси давлатга сотилди. 300 тонна уруғлик дон сифатида райондаги қўшни хўжаликларга етказиб берилди.

Бу йилги куз ғалла экиш учун қулай келди. Мавжуд имконятдан унумли фойдаланаётган ғаллакорлар дон экишни уюшқоқлик билан давом эттирмоқдалар. Далаларда 35 ҳайдов трактори ва 35 сеялка ҳамда бошқа механизм-агрегатлар юксак унумларда ишлатилаётир. Ғалла экишда ҳамма уюшқоқлик билан қатнашяпти. Қисқа муддатда 8200 гектар майдонга кузги ғалла экилди.

Шу кунларда дастлаб уруғ ташланган майдонларда яшил пайкаллар ҳосил бўлди. Механизаторлар яшил майсалар бир текисда ривожланиши учун бороналашга киришдилар. Бу иш Тоғай Худойқулов бригадасида, айниқса, уюшқоқлик билан давом этяпти.

Ш. МАҲМУДОВ,
Қашқадарё области.

Юлдуз Суярованн Ёзёвон районидаги «Ёзёвон» колхози аъзолари фермамиз «юлдузи» дейишади. Касбига меҳр қўйган илғор чорвадор молларни меҳр билан парваришлаётганлиги сабабли йил сайин ўз боқимидаги сигирлардан мўл ва серқаймоқ сут согиб олишга эришяпти. У юбилей йилида 20 бош сигирдан 60 тонна сут согиб олишга сўз берган. Кундалик иш натижалари бу марра муддатидан илгари эгалланишидан далолат берапти.

Суратда: Ю. Суярова.

ЎзТАГ фотоси.

СССР 60 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

БИЗ ШУНДАЙ ЯШАЯПМИЗ

Боғот районидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Нариманов номли колхоз экономикаси йилдан-йилга ривожланиб, қишлоқ аҳолисининг турмуш маданияти юксалиб бормоқда. Бу ерда бунёд қилинган, коммуналмаиший жиҳатдан барча қулайликларга эга бўлган шаҳар типидаги обод посёлкалар, колхоз аъзоларининг моддий ва маданий турмуш даражаси шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовут аста-секин йўқолиб бораётганлигидан далолат беради.

Ҳар қандай бинони қуриш пойдевордан бошланганидек, катта миқёсда қурилиш ишларини олиб бориш учун аввал мустаҳкам пойдевор яратиш керак.

Ўнинчи беш йилликда колхозда умумий даромад ишлаб чиқариш планида белгиланган 24 миллион 800 минг сўм ўрнига 32 миллион 300 минг сўмни ташкил қилди ёки пландагига нисбатан 7,5 миллион сўм кўп даромад олинди. Беш йил мобайнида қурилиш ишларига 378 минг сўм сарфлаш кўзда тутилган эди. Даромад кўпайганлиги ҳисобга олиниб, қурилишга яна икки миллион сўм қўшимча маблағ ажратилди.

Ўтган йили умумий даромад 8 миллион 452 минг сўмга етди. Бунинг маъноси шуки, планга қўшимча равишда 2 миллион 768 минг сўм даромад олинди. Натижада қурилишга, техника сотиб олишга, бўлинмас фондни тўлдиришга кўпроқ маблағ сарфлаш имкониятига эга бўлинди.

Кўриб турибсизки, рақамлар салмоғи чакки эмас. Бу қадар катта даромад ўз-ўзидан келмаганлиги, унинг манбаи колхоз аъзоларининг шонли бунёдкорлик меҳнати эканлиги ҳаммага равшан.

Даромад кўпайганлиги туфайли қурилиш ишлари кўлами янада кенгайди. Кейинги йилларда замонавий лойиҳа асосида машина-трактор парки, чорвачилик комплекси ва бошқа ишлаб чиқариш бинолари, иккита типовой боғча-ясли, Бахт уйи, кинотеатр, коммунал-маиший тармоқлар, уй-жойлар бунёд этилганлиги сўзимизнинг далили бўла олади.

Ҳозир қишлоқ қиёфаси шаҳардан қолишмайди. Бош план асосида тўрт жойда обод посёлка бунёд қилинган. Ҳар хонадонда Ильич чироқлари порлайди, ҳар бир уйга радио, табиий газ, водопровод ўтказилган. 1200 ўринли маданият саройи, кинотеатр, учта клуб, 7 та кутубхона, маиший комбинат, 4 та ҳаммом, савдо, умумий овқатланиш, медицина шохобчалари — аҳоли хизматида. Истироҳат боғи, гулзорлар, хиёбонлар, кенг асфальт кўчалар қишлоқ ҳуснига ярашиб тушган.

Ёш авлод тарбияси ва камолоти тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилинмоқда. Бошланғич синф ўқувчиларига колхоз ҳисобидан бепул овқат берилади. Болалар боғча ва яслиларига автобуслар биркитилган, улар болаларни ерталаб боғчага, кечки пайт уйларига элтиб қўйишади.

Уй қуриш, уй-жойларни ремонт қилиш, қимматбаҳо мебель ва рўзғор асбоблари харид қилиш, тўй-маросимларни ўтказишда колхозчи оилаларига зарур моддий ёрдам кўрсатилади.

Меҳнатга янгича муносабатда бўлиб, халқ бойлигини кўз қорачиғидек сақлаш, «Колхоз мулки — ўз мулким» деган эътиқод қишлоқ меҳнаткашлари онгига сингиб бораётир.

Қишлоқ Совети ҳузурида янги анъаналар ва урф-одатларни турмушга сингдириш бўйича жамоатчилик комиссияси тузилган.

«Биз — Совет халқимиз!» деган сўзларнинг мағрур жаранглаши бежиз эмас. Совет кишиси — олижаноб ахлоқий фазилатларни ўзида шакллантирган, юксак эътиқодли янги инсондир. Колхозчи деҳқонни мисолга олайлик. У инқилобдан аввалги деҳқондан тубдан фарқ қилади. Замонамиз деҳқони — жамиятнинг озод, онгли, маданиятли аъзоси.

Кишилар нима учун меҳнат қилаётганлигини, меҳнатнинг олижаноб мақсадини, унинг самараларидан меҳнаткаш халқ баҳраманд бўлишини яхши билишади. Социалистик мусобақа, коммунистик меҳнат ҳаракати, ленинча шанбаликлар, ҳосил байрами каби янги анъаналар одамларни бир-бирига яқинлаштириб, уларни ватанпарварлик, ташаббускорлик, аҳиллик руҳида тарбиялашга ёрдам бермоқда.

«Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун» деган принцип қишлоқ меҳнаткашлари кундалик турмушида ўз ифодасини топмоқда. Йиғим-терим палласида, халқ ҳашари кунларида ҳеч ким буюрмаса ҳам ҳамма меҳнат майдонига отланади. Биров пайсалласа, умумхалқ ишидан ўзини четга олгудек бўлса, ўртоқлари уни йўлга солишади. Турмушда ҳам шундай. Тўй-маъракада ҳамма қатнашади. Бир кишининг яхши ишидан ҳамма қувонса, битта кўнгилсиз воқеа бутун қишлоқни ташвишга солади.

Йигитларни Совет Армияси сафига кузатиш, балоғатга етган ёшларга паспорт топшириш, ишга қабул қилиш, кексаларни пенсияга узатиш тантанали маросимлар сифатида ўтказиляпти.

Никоҳ тўйлари муҳаббат ва бахт байрами тарзида қувноқ, камтарона ўтказиляпти. Исрофгарчиликка йўл қўйилмайди. Колхознинг «Қалдирғоч» ашула ва рақс халқ ансамбли коллективи тўй-байрамларда намунали хизмат кўрсатаётир.

Ишларни халқимизнинг революцион, жанговар ва меҳнат анъаналари руҳида тарбиялашда колхоз партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари катта тарбиявий иш олиб боришяпти. 500 дан ортиқ йигит ва қиз коммунистчасига ишлаш, ўқиш ва яшаш ҳаракатига қўшилган. Улар меҳнатда ҳам, одоб-ахлоқда ҳам тенгдошларига ўрнак бўлаётирлар. Кейинги йилларда жамоат тартибини бузиш ва жиноят қилиш ҳоллари содир бўлмаганлигини қониқиш билан қайд қилиш мумкин.

Янги қишлоқнинг бугунги куни ва келажагини ҳар томонлама етук, баркамол кадрларсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Мана, мисол. Қишлоқда 1627 оила истиқомат қилади. Ҳар бир оилада дипломли мутахассис, малакали механизатор бор. Ҳар уч колхозчидан бири қишлоқ хўжалик техникасини бошқара олади. Колхоз тузилган йили битта ҳам олий маълумотли қишлоқ хўжалик мутахассиси бўлмаган. Ҳозир колхозда олий маълумотли 23 инженер, техник, 18 агроном, зоотехник ишлаяпти. Бригада бошлиқларининг кўпчилиги олий ва ўрта махсус маълумотга эга.

Қишлоқ аҳли шавкатли меҳнати, олижаноб хислатлари ёшлар учун ибрат бўла оладиган ажойиб кишилар билан фахрланади. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони марҳум Искандар Дўсов, унинг муносиб издошлари: Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Зариф Қурбонов, СССР Давлат мукофоти лауреати Ҳожи Саидов, республикада хизмат кўрсатган чорвадор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Розия Матёқубова сингари донгдор кишиларнинг номлари жасорат ва қаҳрамонлик тимсолига айланган. 185 коммунистни ўз сафига бирлаштирган партия ташкилоти қишлоқ меҳнаткашларини ғолибона меҳнат намуналари, коммунистик ахлоқ идеаллари руҳида тарбиялашга катта эътибор бермоқда.

Ҳозир хўжалик аъзолари ўртага «Қишлоқда яшайсанми, техникани эгалла!» деган шиорни ташлашган. Чунки деҳқончилик ва чорвачиликнинг истиқболи — комплекс механизациялаштирилган. Колхозда очилган ҳунар-техника билим юрти профилини кенгайтириш, малакали механизаторлар, бинокорлар, чорвадорлар тайёрлаш ҳаёт талаби бўлиб қолди. Ёрдамчи хўжаликлар, биологик фабрика, парник-теплица, ферма лабораторияси учун кадрлар тайёрлашдек етилган масалани ижобий ҳал этиш зарур.

Шу кунларда пахта далаларида жўшқин меҳнат авж олмоқда. 9500 тонна юқори сифатли пахта СССР 60 йиллигига колхоз аъзоларининг муносиб армуғони бўлади, ҳосилдорлик бўйича 50 центнерлик марра эгалланади. Дон, сабзавот, мева, полиз маҳсулотлари тайёрлаш йиллик планлари анча ошириб бажарилди, гўшт, сут, тухум тайёрлаш кескин кўпайди. Бу Озиқ-овқат программасини бажаришга ҳисса, СССР 60 йиллиги тўйига лойиқ тўёнадир.

Ф. ЗОҲИДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

СПОРТ

ОҒИР АТЛЕТИКА:

ОЛТИН МЕДАЛЬ СОҲИБИ

Болгариянинг Хасково шаҳрида спортнинг оғир атлетика тури бўйича ўсмирлар ўртасида Европа чемпионати давом этмоқда. Чемпионатда совет спортчилари муваффақиятли қатнашишяпти. Жумладан, димитровградлик Юрий Захаревич иккита жаҳон рекордини ўрнатди. У силтаб кўтаришда 238,5 килограммлик тошни кўтариб болгариялик Валентин Христовнинг рекордини бир килограммга яхшилади. Захаревич умумий ҳисобда ҳам 432,5 килограмм натижа кўрсатиб, катталар ўртасидаги жаҳон рекордини такрорлади.

Мусобақаларда қатнашган СССР терма командаси вакили тошкентлик Ноил Муҳаммадёров ҳам муваффақият қозонди. У 82,5 килограммгача бўлган вазн тоифасида иштирок этиб кўп курашда 360 килограмм натижа кўрсатди. Натижада ёшлар ўртасида Европа чемпиони деган юксак унвонга сазовор бўлиб, кўксига олтин медаль тақди. Шу куни СССР терма командасининг яна бир аъзоси — краснодарлик Владимир Кузнецов ҳам ҳурмат шоҳсупасининг юқори поғонасидан жой олди.

КАРАТЭ:

ФАХРЛИ ЎРИН

Қараганда шаҳрида ёшлар ўртасида ўтказилган СССР чемпионатида республикамиз спортчилари муваффақиятли қатнашдилар. Натижада Ўзбекистон терма командаси умумкоманда ҳисобида фахрли иккинчи ўринни қўлга киритди. РСФСР каратэчилари биринчи, белоруссияликлар эса учинчи ўринни эгаллашди. Шахсий ҳисобда динамочи А. Ли ғолиблик шоҳсупасининг энг юқори поғонасидан жой олди. Спартакчи Г. Бурьяненко иккинчи ўринни қўлга киритди. Республикамизнинг учинчи вакили О. Тангриев бронза медалига сазовор бўлди.

ШАХМАТ:

ҚИЗҒИН БАҲСЛАР

Швейцариянинг Люцерн шаҳрида ўтказилаётган шахмат олимпиадаси мусобақалари қизғин спорт курашларига бой бўлмоқда. СССР терма командаси шахматчилари муваффақиятли иштирок этишяпти. Эркаклар командаси бешинчи турда Чехословакия терма командаси шахматчилари устидан 2,5:1,5 ҳисобида ғолиб чиқишди. Карпов Гортни, Юсупов Плахеткани мағлубиятга учратди.

Шу куни СССР аёллар терма командаси Болгария шахматчиларини 3:0 ҳисобида енгдилар.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
4 НОЯБРДАН 11 НОЯБРГАЧА
ўқувчиларнинг кузги каникул кунларида
КАТТА БАЙРАМ ТОМОШАЛАРИ
Программада:
«КОМЕДИЯ ЦИРКИ»
Масхарабоз аёл — РСФСРда хизмат кўрсатган артист Елена АМВРОСЬЕВА.
Томошалар — 13.00, 16.00 ва 19.30 да;
7 ноябрда — 10.00, 13,00, 16.00 ва 19.30 да бошланади.
Олдиндан билет сотиш кассаси ишлаб турибди.
Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинмоқда.
Справкалар учун телефонлар: 44-35-91, 44-35-84.

ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

1982 ЙИЛ 15 НОЯБРДА
Совет газета ва журналларига
ОБУНА ҚАБУЛ ҚИЛИШ
ТУХТАТИЛАДИ

15 ноябргача обунани «СОЮЗПЕЧАТЬ» агентликларида, алоқа бўлимларида, иш ва ўқиш жойидаги жамоатчи матбуот тарқатувчилар орқали расмийлаштириш мумкин.

Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигининг «СОЮЗПЕЧАТЬ» бошқармаси.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 6/XIда **Бой ила хизматчи** (12.00), **Қиёмат қарз** (19.30), 7/XIда **Келинлар қўзғолони** (13.00), **Алмандар** (19.30), 8/XIда **Олтин девор** (12.00), **Гурунг** (19.30).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 6/XIда **Лайли ва Мажнун**, 7/XIда **Музикали комедиялардан парчалар** (16.00, 19.30), 8/XI да **Музикали комедиялардан парчалар.**

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Москва «Комедия цирки» артистларининг гастроллари** (6/XIда 13.00, 16.00 ва 19.30да, 7/XIда 10.00, 13.00, 16.00 ва 19.30да).

Ўзбекистон Кўрлар жамияти Марказий правлениеси Президиуми «Бир сафда» — «В одном строю» журнали бош редактори К. А. Аҳмедовга укаси

Суннатилла АҲМЕДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 10.05 — Ота-оналар. Сизлар учун. 10.35 — Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик. 11.05 — Спортлото. 11.15 — Оловли болалик. Бадиий фильм. 12.20 — Музикали эшиттириш. 12.30 — Москвичка. 14.00 — Мўъжизасиз-мўъжизалар. 15.00 — Дунё воқеалари. 15.15 — Қалбга яқин қўшиқлар. 16.05— Мультфильмлар. 16.30 — Ҳамдўстлик. 17.00 — Фильм-спектакль. 19.40 — Жаҳон халқларининг ижоди. 20.10 — Буюк халқ ҳақиқати. Коммунистлар. 1-фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Эстрада программаси. 23.40 — Янгиликлар.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Агар соғлом бўлай десанг. 9.25 — Концерт. 9.40 — Мен—Говвос-2. Бадиий фильм. 11.00 — Тонгги почта. 11.30 — Футбол бўйича СССР чемпионати. 13.00 — Инсон ер хўжайини. 14.00 — Горький болалиги. Бадиий фильм. 15.35— Ҳужжатли фильм. 15.55 — Мультфильм. 16.05 — Телевизион музикали фильм. 17.00 — Кинотомошабин ҳамроҳи. 17.45 — Ҳалқаро обзор. 18.00 — Киносаҳҳатчилар клуби. 19.00 — Балтика шуҳрати. Бадиий фильм. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 — Музикали киоск. 21.15 — Ҳужжатли фильм. 21.30— Время. 22.05 — Хоккей бўйича СССР чемпионати.

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Мен, сен ва мультик. 10.50 — Сўз кетидан сўз келар. 11.10 — Алла Пугачёва концерти. 12.35 — Тутқич бермас қасоскорлар. Бадиий фильм. 14.00 — Оламга саёҳат. 18.05 — Пионер горнлари янграйди. 18.35 — Қувноқлар даврасида. 19.15 — Ахборот. 19.30 — В. Маяковский. Владимир Ильич Ленин. Поэма. 20.30 — Ахборот. 20.50 —Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Концерт. 22.50 — Хирмонингизга барака. 23.00 — Концерт. 18.00 — Душанба кўрсатувлари.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Кўнгил тароналари. 9.30 — Диёр васфи... 10.40 — Улуғ Октябрь — Ғалаба байроғи. 11.15 — Концерт. 13.00 —Чорвадорлар рапорт бермоқдалар. 13.30 — Хатларингизни ўқиб... 14.00 — Бизнинг муваффақиятларимиз — Октябрга. 17.25 — Ёш ижрочилар куйлайди. 18.15 — Ёшлик. 19.00— Ленин Смольнийда. 19.45 — Сўнгги ахборот. 21.00 — Улуғ Октябрь ва Шарқ халқлари. 21.10 — СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. 22.30— Бугун радиотеатрда.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Редакция адреси: 700000. Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04; редактор ўринбосарлари—33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05; масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05; секретариат — 33-72-83, 32-53-06, 32-54-11; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19; марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси — 32-55-70; коммунистик тарбия — 32-54-29; халқаро ҳаёт — 32-54-14; саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-38, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-18; фан, мактаб ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-18, 32-53-20, 33-11-49, 32-54-13; иллюстрация — 32-57-22, стенографистка — 33-73-43; 32-54-05; жамоатчилик қабулхонаси — 32-54-16, эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР —2-42-62; Тошкент — 32-53-20, Самарқанд — 6-48-35 Сирдарё — 2-05-27; Сурхондарё — 92-36; Хоразм — 5-51-24, Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Наманган — 6-70-78; Андижон — 4-48-85; Нашриёт диспетчери — 32-78-94; Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 03280. Узбекистон Компартиясн Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. А. — 254. 6